

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Галина МУХАМЕДОВА

ХОНАНДАЛИК УСЛУБИЯТИ АСОСЛАРИ

Таълим йўналиши: 5210600 – Вокал санъати
(академик(вокал) хонандалик)

Тошкент
2007

*Маъжур ўқув-у
илмий-услубий к
спорт шилари вазирлиги қошидаги Республика методика ва ахборот
маркази томонидан нашрга тавсия этилган.*

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, профессор
М.Н. Ризаева.

санъатшунослик номзоди, профессор
А.Х.Ҳакимова.

Тақдим этилаётган ўқув-услубий кўлланмада вокал педагогикасининг асосий тамойил ва услублари, овоз ҳосил бўлиш аппаратининг психологик, акустик ва физиологик асослари, куйлаш малакалари шаклланишининг асосий йўллари, шогирдлар билан амалий ишлаш, уларни ўқитиш амалиёти масалалари ёритилган.

Ушбу кўлланма барча ижрочи-вокалистлар – талаба, педагог ва профессионал хонандалар учун тавсия этилади.

В предлагаемом учебно-методическом пособии рассматриваются принципы и методы вокального обучения, психологические, акустические и физиологические основы звукообразования, основные пути формирования певческих навыков, вопросы практической работы с учениками.

Данное пособие предназначено всем вокалистам-студентам, педагогам, профессиональным певцам.

The present training-methodical applience considers: the basic principles and methods of the vocal studying, psychological, acoustic and physiological baces of sound-formation, the basic ways of forming the singing skills, questions of practical work with the students.

This applience intends for every vocalists (singers) – students, teachers, professional singers.

- © Ўзбекистон давлат консерваторияси
- Таҳрир-нашриёт бўлими,
- © Г.И.Мухамедова, 2007.

КИРИШ

Маълумки мустақил давлатимизнинг келажаги бўлмиш ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да янги педагогик технология асосида таълим-тарбия бериш, уларни ҳозирги замон талабига тўла жавоб берадиган етук мутахассислар қилиб тайёрлаш кўзда тутилган.

Мазкур методик қўлланмада мамлакатимиз ўрта ва олий мусика ўқув даргоҳларида профессионал вокал санъати дарсларини ўтиш услублари илмий асосда ҳар томонлама ёритиб берилган. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамжамиятидаги эталон яъни қолип сифатида тан олинган вокал ижрочилиги қонун-қоидаларини миллий кўшиқчилик санъатимиз анъаналарини эътибор олган ҳолда бекамукўст ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Услубий қўлланма «Хонандалик услубияти асослари» фани дастурига асосланган ҳолда тузилган. Унда «академик хонандалик» йўналишига жавоб берадиган ашулачилик овозни тарбиялаш тўғрисидаги асосий маълумотлар берилган.

Назарий билимларни ўзлаштириш талаба-хонандалар учун мураккаб жараёндек туюлади. Аммо дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олиш учун давлатимизнинг хонанда-талабалари келажакда ўқитувчи сифатида овоз ҳақида керакли илмий маълумотларга эга бўлишлари лозим. Фақат шундагина улар амалиётда пайдо бўлган муаммоларга бемалол илмий-назарий ечимлар топишлари мумкин бўлади.

Қўлланмада ашулачилик жараёнининг турли масалалари ёритилган. Вокал педагогикасининг асосий тамойил ва услублари, овоз ҳосил бўлишининг психологик, физиологик ва акустик асослари, ашулачилик малакалари шаклланишининг асосий йўллари кабилар шулар жумласидандир. Шу билимлар талабага замонавий илмий-услубий адабиётлар билан яқиндан танишиб олишга имкон яратиб беради.

1-БОБ. ВОКАЛ МУСИҚА ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП ВА УСЛУБЛАРИ

Таълим бериш жараёнида «Хонандалик услубияти асослари» фани муҳим ўринга эга, чунки у касб юзасидан олинаётган билимга амалий тушунча бера олади.

Хонандани ўқитиш жараёнида ўқитувчилар умум-дидактик ва махсус мусиқа педагогикасига оид принципларга асосланади:

1. **Таълимда тадрижийлик ва мунтазамлик принципи.** Бу умумпедагогик принцип бўлиб, у таълим жараёнида соддадан-мураккабга асосланади. Хонанданинг диапазонини кенгайтиришда, машқларни мураккаблаштиришда, репертуар танлашда, руҳий кечинмада ҳам (лирик асарлардан драматик асарларга ўтишда) тадрижийлик зарур. Талабалар билан машғулотларда овознинг сифати, тобланиши, тебраниши, жарангдорлигини назарда тутиш керак. Овознинг зўриқишига йўл қўймаслик лозим.
2. **Мусиқий-бадиий ва вокал техник ривожланиш принципларининг бирлиги.** Вокал-техник кўникмаларни шакллантириш – ўқитувчининг асосий вазифасидир. Сабаби овозини бошқара олмайдиган хонанда композитор асарларидаги гоёни ёритиб бера олмайди. Шу билан бирга чиройли профессионал овозга эга бўлган хонанда ифода, драматик ҳиссиётларсиз ижро билан бадиий мақсадга эриша олмаслиги ва тингловчиларни ўзига жалб қила олмаслиги аниқ. Хонандани қонда бўйича тарбиялаш учун бир вақтнинг ўзида икки муаммони ҳал қилиш талаб қилинади: ижро этиш апаратыни куриш, яъни хонанданинг профессионал овозини ҳосил қилиш ва қуйлаш малакасини шакллантириш лозим. Бу икки масала бир вақтда бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳар қандай, ҳаттоки энг содда кўникмани ҳам элементар ижро вазифаси билан боғлаш зарур. «Аввал овозни ривожлантириш, ана шундан сўнг ижро маҳоратини эгаллаш керак» деб ўйлаган хонанда катта хатога йўл қўяди. Бусиз актёр-хонандани тарбиялаш мумкин эмас. Шу туфайли бу икки масалага энг биринчи қадамдан бошлаб эътибор берилиши зарур. Ижро этилаётган асар осон бўлмаса ҳам, ўқувчига техник вазифаларни бериш билан бирга, албатта унинг олдига ижрочилик мақсадларини

қўйиш лозим. Албатта, дастлабки машқларда ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчининг эътибори кўпроқ вокал-техник кўникмаларни ривожлантиришига қаратилган бўлади, кейинчалик эса талабанинг ижрочилик, ифодалилиқ, актёрлик сифатларини тарбиялаш муаммолари биринчи ўринга ўтади.

3. **Ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашув принципи.** Хонанда бу –ўзига хос мусиқий асбоб. Ҳаммаси жуда алоҳидалиқни талаб қилади. Ўзгарувсиз (догматик) кўрсатмалар вокал педогогикасига зарар етказилади. Ҳар бир ўқувчининг имконият даражаси ўзига хос бўлади, чунки унинг овози кучи ва чидамлилиги шахсий характериға ва жисмоний тузилишиға боғлиқ. Айниқса, унинг руҳий хусусиятларини билиш ва уларға аҳамият бериш керак. Ўқувчи ҳар томонлама бетакрор – унинг овоз хусусиятлари (тембри, диапазони, кучи, чидамлилиги, жарангдорлиги ва бошқалар), овоз аппаратининг физиологик тузилиши, психологик хусусиятлари (характер, темперамент, ирода, хотира, диққат, тафаккур, идрок ва бошқалар) турличадир. Шу сабабли дарсларни юқоридагиларни эътиборға олган ҳолда ўтказиш зарур.
4. **Ўз-ўзини мунтазам равишда мукаммаллаштириш тамойили.** Талабанинг мустақил равишда ишлаши ниҳоятда муҳим. Агар ўқувчи ўз устида мустақил шуғулланмаса, педагог машгулотлар давомида бераётган билимларининг унча фойдаси бўлмайди. Хонанда – ижодкор. У фақат бутун ижодий умри давомида изланиши, янгиликка интилиши, мунтазам фидокорона меҳнат қилиши билан маҳорат чўққисига кўтарилиши мумкин. Таълимнинг сўнгги жараёнларида талабанинг мустақил тайёрланишиға катта аҳамият берилади ва бунинг учун ўқув режаларида алоҳида соатлар ажратилади.

Принцип бу – асосий гоё, яъни бирон фаолиятда асосланадиган умумий қоида, низомлар. Услуг эса – ушбу гоёни тадқиқ қиладиган, ўрганадиган йўллар, яъни аниқ вазифани ечиш учун ҳаракатлар тизими бўлиб, ўқувчи турли кўникмаларни ўзлаштириши учун ўқитувчи ва ўқувчининг бирлашган фаолияти. Вокал педагогикасида куйидаги услублар мавжуд.

1. **Чолғули услуб.** Бу услубдан кўпроқ XVI-XVIII асрларда фойдаланганлар. Овозни созлаш машқлари скрипка ёки фортепиано жўрлигида олиб борилган. Биринчи машқданок бутун диапазонда энг наст нотадан энг баланд нотагача овоз устида иш олиб борилган.
2. **Амалиётга асосланган (эмпирик) услуб.** Ушбу услуб қадимги итальян мактабида кенг тарқалган. XVI-XVIII асрларда вокал педагоглари албатта, маҳоратли хонанда бўлишлари шарт эди. Уларнинг асосий шиори «Мен куйлаганимдек куйла», бўлган.
3. **Концентрик услуб.** Ушбу услубнинг асосчиси – буюк рус композитори, вокал ўқитувчиси ва хонанда Михаил Глинка ҳисобланади. У айтганидек, овозни қулай ва чиройли куйланадиган ноталардан бошлаб диапазонни тена ва настга ривожлантириш керак.
4. **Примар (қулай) тон услуби.** Бу услубнинг асосчиси немис педагоги Фридрих Шмитт. Унинг фикрича примар (қулай) тон диапазоннинг ўрта қисмида жойлашган. Тўғри шаклланган овоз диапазоннинг бемалол кенгайишига олиб боради. Шу нуқтаи назардан примар тон услуби концентрик услубга ўхшаб кетади.

Буюк итальян хонандаси Энрико Карузонинг фикрича, «Хонанда қанча кўн бўлса, шунча услуб бўлиши лозим».

Ҳар бир ўқитувчи тўртта асосий принцинга асосланиб ўз услубидан фойдаланиши мумкин.

2-БОБ. ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ. ВОКАЛ-ТЕХНИК КЎНИКМАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА УЛАРНИНГ РЕФЛЕКТОРЛИК МОҲИЯТИ

Ашулачилик бу организмнинг функцияларидан бири бўлган психофизиологик жараёндир. Унда аклий, иродавий ва рухий кечинмалар чигаллашган бўлиб хонанданинг руҳияти, вокал техникаси, ижро малакалари, яъни ижрочилик мактабнини оғаллашда асосий аҳамиятга эга. Шунинг учун овоз сирларини англамоқчи бўлган шахс олий нерв фаолияти ва унинг асосий қонуниятлари, умуман организм ишини, хусусан куйлаш жараёнини аниқлаб берадиган умумий тасавурларга эга бўлиши лозим. Тузилиши

жихатидан асаб тузимаси марказий ва чекка бўлимлар билан фарқланиб туради. Марказий бўлим бош ва орқа мия ҳисобланса, чекка бўлимга қолган барча органлар ва уларнинг таналарига борадиган асаб толалари киради. Бош мия (14 миллиард хужайрали тўкима) организмнинг олий бошқарувчиси вазифасини бажаради.

Олий нерв фаолиятини кашф этган И.П.Павлов унга куйидагича таъриф берган: «Бош мия пўстлоғи остидаги асаб марказларининг фаол иштироки бош мия қобиғи фаолияти, деб номланади». Бош мия қобиғининг турли қисмлари ҳар хил функция билан боғлиқ ва турлича шаклланган.

Ҳар қандай организмнинг ҳаёти ўзини қуршаб турган ташқи муҳитга нисбатан рефлекс принципига асосланади. Инсон маълум бир микдордаги шартсиз (туғма) рефлекс билан тугилади – чайнаш, ютиш, ҳидлаш, кўриш кабилар шулар жумласидандир. Аммо ҳаёт кечириш учун бу рефлекслар етарли эмас. Шунинг учун организмда, яъни бош мия пўстлоғида турли шартли рефлекслар ташкил топади. Шартли рефлекслар ўзгарувчан (турғун эмас) – маълум шароитда пайдо бўлган боғланишлар сакланиб қолади, етарли шароитлар бўлмаса, бу рефлекслар сўнади. Демак, шартли рефлекслар – бу вақтинча алоқалардир.

Биринчи сигнал системаси организмни бошқаради, ташқи муҳитда содир бўлаётган хабарларга жавоб беришга ундайди ва организмнинг ҳолатини бошқаради. Бу бошқарув системаси инсон каби ҳайвонга ҳам тегишли. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, одамда биринчи сигналлар системаси билан бир қаторда унинг алоҳида бойлиги ва афзаллиги бўлган иккинчи сигнал системаси ҳам мавжуддир. Иккинчи сигнал системаси – сўз, сўзлашув нутқи, китоблардир.

Бош мия ярим шаридаги асаб хужайралари икки ҳолатда бўлиши мумкин – кўзгалган ва тормозлашган. Бу кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари бўлиб, улар ўзаро индукция қонуни билан боғланган.

Кўзғалиш – асаб хужайраларининг фаолият ҳолати бўлиб, мияда у ёки бу ишнинг бажарилиши учун керак бўлган рефлекторли алоқалар пайдо бўлишини ташкил этади. Кўзғалиш жараёни асаб хужайра гуруҳлари ўртасида функционал алоқа пайдо бўлишига олиб келади ва асаб системасида из қолдиради. Кўп маротаба такрорлаш бу алоқани мустаҳкамлайди ва рефлекс пайдо бўлишига олиб келади.

¹ Индукция – кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро аск-таъсири.

Хонанда товуш чиқаришдан олдин уни ички эшитиш қобилияти ёрдамида тасаввур қилганида бош мия пўстлоғида фонация (овоз чиқариш) функцияларни бошқарадиган нерв хужайралари гуруҳлари кўзгаланади. Нерв фаолияти тури қанчалик мукаммал бўлса (кучли, сокин характер), кўзгалиш жараёнини фаоллаштиришга шунчалик оз вақт кетади. Бундай олий нерв фаолиятига эга бўлган хонандалар яхши қабул қилиш қобилияти, яхши хотира билан ажралиб турадилар ва уларда вақтинча алоқалар тез ва мустақкам шаклланади. Кўпинча, биз бундай шахсларни иқтидорли, деб айтаемиз.

Олий нерв фаолияти бўш бўлган хонанданинг меҳнатқашлиги (чидамлилиги) чегараси паст, унда вақтинча алоқалар кийинрок шаклланади ва ёдлаш учун такрорлаш кўпроқ бўлиши зарур, фақат шундагина у материалларни ёдлаб олиши мумкин. Бундай ҳолатлар бўлиши табиий, чунки ҳар бир одамда кўзгалиш жараёни турлича. Бу ҳодиса одамларнинг олий нерв фаолияти турларга бўлиниши негизидир, улар – холерик, меланхолик, сангвиник ва флегматик. Кўзгалиш 15 дақиқадан кўп бўлмайди. Ундан кейин албатта тормозланиш жараёни бошланади, уни ҳимоявий тормозланиш деб номлайдилар. Шў туфайли тажрибали ўқитувчилар дастлабки машгулотларда тез-тез қисқа танаффус қиладилар.

Тормозланиш жараёни – асаб хужайралари фаолиятининг ўзгариши, пасайиши бўлиб, улар иш фаолиятининг тиклаш жараёнини амалга оширади. Маълумки, узоқ муддат давомида диққат билан тинглаш қийин. Мактаб ва бошқа ўқув юртларида дарслар орасида танаффус берилиши бежиз эмас. Ҳатто, театрда қизгин ҳаракатни кузатишда ҳам дам олиш учун антракт эълон қилинади.

Шунга қарамай меҳнат куни тугагач кўзгалиш жараёнининг кучи сусаяди ва уни қайта тиклаш учун чуқур ва узоқ тормозланиш зарур – бу уйқудир. Фақат уйқуда бош мия пўстлиғи ўз фаолиятини тиклаб олади. Шундай қилиб бутун умр давомида бош мия пўстлоғи кўзгалиш ва тормозланиш жараёнларини амалга оширган ҳолда организм фаолиятини бошқаради.

И.П.Павлов тормозланишнинг **ташқи ва ички** ҳолатларини ажратган. Тормозланиш қонуниятларини билиш бир қатор услубий масалаларни ечилишига ёрдам беради. Ашулачиликни ўргатиш амалиётида ташқи тормозланишга дуч келиш вазиятлари тез-тез учраб туради.

Ташқи тормозланиш – ташқи муҳитдан безовта бўлиш шароитида пайдо бўлади ва унинг оқибатида бош мия пўстлоғи фаолияти тормозланади. Биринчи навбатда яхши мустаҳкамланмаган, суст алоқалар тормозланади. Маълумки, имтиҳон, академик концерт ёки бошқа сахна чиқишларида талабалар кўпинча дарсда олган малакаларини тўлиқ намоён эта олмайдилар. Ишлаб чиқилган рефлекслар тормозланади, натижада нафас «йўқолади», юрак уриши кучаяди, баъзиларнинг «огзи куриб қолади», бошқаларда эса акс ҳолат кузатилади. Ташқи тормозланишнинг механизми қуйидагича – пайдо бўлган кўзғолувчи (комиссия, аудитория) марказий асаб системасининг маълум бир ҳудудларини кўзғалатади, бу эса ўз навбатида ўзаро индукция қонуниятига кўра ашулачига салбий таъсир кўрсатади. Ташқи тормозланиш ҳамма хонандага ҳам тегишли, аммо тажрибали хонандалар ўзини тута олади, бошлангичлари эса уларнинг рефлекслари мустаҳкамланмагани туфайли ўзларини бошқара олмайдилар, натижада ўрганган малакаларини кўрсата олмайдилар.

Ички тормозланиш эса тўрт турга бўлинади.

- 1) сўнаётган;
- 2) шартли;
- 3) кечиккан;
- 4) дифференционал.

Вокал-педагогик амалиётида **сўнаётган** тормозланиш механизми катта аҳамиятга эга. Дастлабки машгулотларда ўқувчининг овоз аппарати ишлатилиши мушкул кечади. Дарслар давомида ортиқча ҳаракатлар сусаяди, эски алоқалар сўнади, янги алоқалар пайдо бўлади.

Нерв хужайранинг асосий хусусияти – унинг инерциялиги. Айнан шунинг учун барча алоқалар, барча билимлар, барча одатлар нерв системасида пайдо бўлганидек сақланиб қолади. Янгилари эса эски алоқалар устидан жойлашиб мураккаб алоқаларни ташкил этади. Эски алоқалар (нотўғри ашулачилик кўникмалар) қанчалик кучли бўлса, шунчалик уларни сўндириш қийин. Эски стереотип узоқ муддат давомида янги стереотипга «рақобат»дек бўлади, унинг мустаҳкамланишига ҳалакит беради. Бундай ҳолатларни имтиҳонлар пайтида тез-тез кузатиш мумкин. Шундай вазиятда ўқувчи янгича, тўғри шакланган кўникмаларни эздан чиқариб эски, нотўғриларига қайтади. Унинг сабаби ўқитувчининг нотўғри услубида ёки ўқувчининг суст профессионал хусусиятларида эмас, балки эски

стереотип янги стереотип билан курашишида. Шунинг учун ўқишни яқинда бошлаган ёки бошқа ўқитувчига ўтган ўқувчилар ижросини эҳтиёткорлик билан баҳолаш керак.

Шартли тормозланиш аниқ бир шартли вазиятда пайдо бўлиши мумкин. Бирон маротаба сўзни унутиб ёки юқори нотани ололмаган хонанда ҳар бир такрорланишида худди шу хатога йўл қўяди. Бу айнан шу пайтда одатдаги ҳаракат бажарилишининг тормозлангани оқибат натижасидир.

Ижрочилик амалиётида **кечиккан** тормозланишни кузатиш мумкин. Қандай қилиб? Мисол учун, ашулачи саҳнага чиқишга тайёрланыпти. Табиийки, у ҳаяжонлана бошлайди – унинг юрак уриши тезлашади, қон босими кўтарилади, нафасни тез ва чуқур ола бошлайди. Айнан шу пайтда унга: концерт 2 соатга кечиктирилади, деб айтишади. Хонанданинг кайфияти тушади, у бефарқ бўлиб қолади. Саҳнага қайта чиқишга тайёрланганида у ўзини фаоллаштиришга қийналади.

Вокал ўқитиш жараёнида энг муҳими **дифференциал** тормозланиш ҳисобланади. Унинг ёрдамида хонандада динамик стереотип¹ шаклланади, негаки бош мия системасидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кетма-кетлигига катъий риоя этилади.

Вокал-динамик стереотипни ривожлантириш хонанданинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Динамик стереотип ўзининг ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

Одамнинг ҳар бир анализаторидаги² дифференцировкаларни ривожлантириш имкониятларини чексиздир. Ҳар бир анализаторнинг ўзига хос хусусияти шунки, у бир-бирига яқин бўлган қўзғалишларни ажрата олади: яқин ранг, яқин ҳид, яқин тембр ва ҳоказо. Бу билим одамнинг ҳаёти давомида шаклланади ва ҳар кимда турлича бўлади. Хонанданинг тембр эшитиш қобилияти, рассомнинг ранглари ажратиш сезгиси ёки дегустаторнинг таъм ажрата олиши бошқа одамларга нисбатан анча нозик. Дифференциянинг нозиклигини ривожлантириш учун узоқ қўзғалишларни мунтазам равишда кераклигига яқинлаштириш лозим. Педагогиканинг «осондан – мураккабга» асосий принципи шу қонуниятга асосланади.

¹ Динамик стереотип – бирон ҳаракатни бажариш учун керак бўлган рефлексларнинг тартибли кетма-кетлиги. Автоматик ҳолатга тушган рефлекслар системаси мукаммаллашшига, ўзгаришига мойинлиги сабабли уни динамик деб номлашади.

² Анализатор – биронга ҳодиса туфайли пайдо бўлган қўзғалишни мияга юборадиган ва унда таҳлил қиладиган нерв ашарати.

Муסיкий педагогикада эшитиш дифференцировка качон овознинг тўғри янграши яхши баҳоланса, нотўғриси эса рад қилинса, фақат ўшанда ривожланади.

Ашулачилик стереотипларни кўп йиллик махсус тартибдаги ўқитиш давомида ривожлантириш мумкин. Ўқитиш жараёни қуйидаги тартибда бўлиши мумкин. Бирон куйни айтиш учун унинг товушли образни тасаввур қилиш керак. Бу образ ўзига хос эталондир. Пайдо бўлган товушни эталон товуш билан солиштириш мумкин. Товушли образ керакли ҳаракатни уйғотади. Керакли алоқалар ривожланишига ҳаракатлар мунтазам равишда такрорланиши зарур. Вокал-техник кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида тасаввур қилинган товушли образ катта аҳамиятга эга. Ҳар бир бошланғич хонанда биронта ўзи ёқтирган артистга ўхшашни хоҳлайди. Шунинг учун ўқитувчининг асосий вазифаси – ўқувчини ўз услубининг тўғрилигига ишонтириш.

Кўникмалар шаклланиши уч босқичдан иборат.

Биринчиси: қуйлашда овоз аппаратининг тўғри ишлаши, баъзи унлиларда, диапазоннинг чекланган қисмида тўғри товуш ҳосил қилишни топиш.

Иккинчиси: шу кўникмаларни аниқлаб, сақлаб қолиш овоз чиқариш турларини ўзлаштириш, овоз аппаратида топилган тўғри кўникмаларни бутун диапазонга тарқатиш.

Учинчиси: топилган кўникмаларни автоматик ҳолатга олиб бориш, овоз аппаратининг турли ҳаракатларини ўзлаштириш, яъни овозни нюанслар билан бойитиш.

Вокал-техник кўникмалар динамик стереотип каби шаклланишига объектив ва субъектив сабаблар таъсир кўрсатади. Объектив сабаблар – ўқитувчининг услуби. Субъектив сабаблар физиологик ва руҳий сабабларга бўлинади. Физиологик сабабларга товуш аппаратининг анатомик тузилиши қиради.

Психологик сабабларга қуйидагилар қиради:

- а) ўқувчининг билим олиш жараёнига муносабати;
- б) ўзининг кучига ишониши;
- в) ўқитувчига ишониши;
- г) меҳнатсеварлик ва мақсад йўналиши;
- д) руҳий қобилиятлари: хотира, диққат, ирода, кайфият, фикрлаш, тафаккур.

3-БОБ. ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ. ХОНАНДАЛИК СЕЗГИЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ашулачилик овоз табиатининг мўъжизаларидан бири деб ҳисобланади. Баъзиларда «табиатан кўйилган овоз» бор, бошқаларда эса умуман ашулачилик овози йўқ. Ашулачилик ўзи нима? Ашулачилик – организмнинг функцияларидан, унинг фаолияти турларидан биридир, шунинг учун у организмдаги асосий қонуниятларга бўйсунди.

Ашулачилик мураккаб рухий-физиологик жараёндр. Унда интеллектуал, эмоционал, ҳиссий-иродавий жараёнлар бир-бирига узвий боғланади. Вокал-техник ва ижрочилик кўникмаларини онгли равишда ўзлаштириш хонанданинг руҳиятида катта рол ўйнайди ва билим олишда кўп нарсани белгилайди. Одатда инсоннинг ички дунёси уч тоифага бўлинади: билиш, ҳис этиш ва ирода.

Билиш жараёни бир нарсани сезишдан ва бизнинг онгимизда алоҳида хусусиятли ҳодисаларни ҳамда нарсаларни тасаввур этадиган оддий рухий жараёнлардан бошланади. Сизги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва мияга етказиб беради. Сизги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўлдир. Муҳими – сезгини таҳлил этиш, сўнгра керак бўлган тақдирда тушунадиган ҳолда уларни такрорлаш учун эслаб қолиш. Шундай қилиб кўникмалар ҳосил бўлади. Сизгини таҳлил қилиш – бу товуш органлари қандай ишлаётганини билиш ва унинг ишипи бошқариш учун ягона баҳолаш йўли ҳисобланади.

Бирон ибора ёки нотани олганда овоз аппаратининг турли қисмларида (огизда, кўкракда, халқумда ва ҳоказо) қандай сезгилар пайдо бўлганини таҳлил қилиб, уларни эслаб қолиб, керак бўлса қайтариб олишни ўрганиш керак. Шундай қилиб кўникмалар ишлаб чиқилади. Овоз аппарати ишлаётганига баҳо бериш ва ушбу ишни бошқариш йўли фақат битта – сезгиларни таҳлил қилишдадир. Албатта, сезгилар ривожланманганда овоз аппарати ҳаракатлари суст бўлади.

Сизги турларининг энг муҳим жиҳатларидан бири – эшитиш.

Сизгининг ривожланиши билан бирга эшитиш қобилияти ўсиб боради. Овоз аппарати фақат эшитиш орқали қабул қилинган ҳодисаларнигина узатиши мумкин. Ашулачилик аппарати билан

қулоқ яхлит тизимдир. Овоз аппарати эшитиш орқали нимани қабул этса, айнан ўшани ифодалайди. Болалиқдан эшитмайдиган киши овоз аппарати соғлом бўлса ҳам гапира олмайди. Қаерда болаларда вокал тасаввурлар тўғри шаклланган бўлса у ерда яхши хонандалик овози кўпроқ етишиб боради. Нима учун Италиядан кўпдан-кўп ажойиб опера хонандалари чиқади? Чунки у ерда болалиқдан бошлаб вокал мусикасига қизиқиш катта ва унинг ривожланишига катта аҳамият берилади. Демак, ёш хонандалар овозлари тўғри янграши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун улар машхур опера хонандаларнинг ёзувларини эшитишлари зарур. Шу билан бирга ёмон ижрони эшитишдан ҳам фойда бор. Эски италян мактаби машхур ўқитувчиси П.Този шундай деган: «Бошқаларнинг хатоларини ўрганиш – бу арзон турадиган, лекин кўп нарсани ўргатадиган катта мактабдир».

Муסיқали эшитиш нафақат товуш баландлигини ажрата олишни билдиради. Унга тембрли эшитиш (товуш «рангларининг» фарқига бориш), берилган ладда нотанинг жойини топиш, гармонияли эшитишлар ҳам киради.

Эшитиш пассив ва активга бўлинади. Пассив эшитиш – тўғри эшита олиш, актив эшитиш эса – эшитганини овоз билан тўғри қайтара олиш. Ашулачиликда «вокал эшитиш» тушунчаси мавжуд. Бу дегани – овоз янграшини нафақат эшита билиш, балки овоз аппаратида содир бўлаётганларини ҳис қилиб уларни тасаввур қилиш ва амалга оширишдир. Вокал кўникмалари ривожлангани сари хонандада вокал эшитиш қобилияти ҳам аста-секин ривожлана бошлайди. Бошловчи хонандаларда бундай қобилият йўқ. Ашулачида вокал эшитиш қобилияти ривожланмаса, у ҳеч қачон яхши хонанда, айниқса яхши ўқитувчи бўла олмайди. Бу қобилиятнинг физиологик томони – бош мия пўстлоғида бир пайтда кўзгалган тармоқлар орасида рефлектор алоқалар тузилишидадир. Вокал эшитиш қобилияти – бу мураккаб муסיқий сезги, у вибрацияли, мушакли, эшитиш, кўриш ва бошқа ҳиссиётларнинг ўзаро таъсирига асосланади.

Агар туйғулар орасида эшитиш қобилияти биринчи ўринда турса, иккинчи ўринда ҳаракатнинг назорати – мушак тўқималари орқали сезиш туради. Мушакли сезгилар анча мураккаб, уларда аниқлик топиш қийин. Сеченов мушак сезгиларини «коронгу ҳиссиётлар» деб атаган. Мушак сезгисига нафас, оғиз, тил, ҳиқилдоқ, юмшоқ танглай ва бошқа мушакларнинг ҳаракати киради. Одатда хонандадаги мушак ҳаракатининг назорати кейинги босқичларда

тарбияланади. Рус олими В.П.Морозов куйидаги тажрибани ўтказган. Хонандалардан катта гуруҳ тузиб, уларнинг ҳар бирининг қулогига наушник кийгизиб, у орқали шовкин юборди ва ҳар бир хонандадан биронта асарни айтиб беришни илтимос қилди. Амалиёт натижасида хонандалар иккита гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳдагилар оҳангни бемалол, адашмасдан куйлаб беришди. Бошқалари эса ўзини йўқотиб, куйни айтиб бера олмади. Шунга қараб Морозов мушакли сезгиларга асосланганларни «мушаклилар» тури деб номлади, иккинчи гуруҳдаги эшитиш сезгисига таянган хонандаларни эса «эшитиш» тури деб атади. «Мушакли» турга кирувчи хонандалар ҳар қандай акустик ҳолатларда иккиланмай қўшиқ айта оладилар, чунки улар ижро вақтида фақат эшитиш қобилияти орқалигина эмас, балки мушак тўқималари орқали сезиш билан овоз аппарати ҳаракатини бошқаради. Шундай қилиб, эшитиш ва мушак тўқималари орқали сезиш қобилияти ривожлаган хонандаларни аъло тонфали хопанда деб ҳисоблаймиз.

Овоз аппарати ишини бошқаришда эшитиш ва мушак сезгиларидан ташқари вибрацияли ва кўриш сезгилари ҳам ёрдам беради. Ашула айтиш пайтида кўкракда ва бошнинг юз қисмида резонанция пайдо бўлиши ҳар бир хонандага маълум. Кўкракда пайдо бўлаётган резонанцияни кўлини кўкракка қўйиб сезиш мумкин. Овоз бош резонатор, «маска»га тушганида бошнинг юз қисмида тебраниш пайдо бўлади, шу пайтда овозни бошқариш ҳаракатлари анчагина енгиллашади. Машгулотлар давомида, айниқса дастлабки дарсларда кўзгу ёрдамида ўз ҳаракатларини кузатишнинг фойдаси катта. Кўзгуга қараганда оғизнинг очилиши, лаблар, тил, жағ, юмшоқ танглай ҳаракатлари ойдин кўринади. Уларнинг ҳаммаси вокал-техник кўникмалар шаклланишига катта ёрдам беради.

Билиш жараёнига идрок ҳам киради. **Идрок** – бу бизнинг онгимизда борлиқни акс эттирувчи мураккаб жараён. Унда жисм ёки воқеа-ҳодиса бир бутун кўринишда онгимизда яхлит тимсол каби акс этади. Томошабин актёрининг сахнадаги ҳаракатларини, ўқитувчи ўқувчининг куйлашини, ўқувчи ашула айтиш пайтидаги ҳосил бўлаётган товушни ва мушак ҳаракатларини идрок этади. Идрокда кўпдан-кўп сезгиларнинг таъсири бор, лекин асосийлари – эшитиш ва кўриш. Аммо идрок сезгиларнинг йиғиндиси эмас, чунки бу жараёнга фикрлаш ҳам қўшилади. Идрок қилаётганда биз жисм ёки ходисаларни солиштириш, таққослашимиз, улар ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин, яъни онгли равишда идрок этамиз. Товуш

аппаратининг ишини идрок эта туриб диққатни нафас олиш мушакларига, тсбрапиш тизимларига, артикуляция аппаратининг ишларига йўналтириш мумкин.

Турли кўринишдаги машгулотлар жараёнида инсон фаолиятида касбий зехн ва мураккаб сезгилар ривожланади.

Вокал ижрочилигида бундай мураккаб сезгилар куйдагича:

1. Товуш сезгиси.

2. Таянч сезгиси.

Товуш сезгисидан фойдаланган ҳолда хонанда товушни тиш олдига ёки орқага юбориши, уни йигиб ёки ёйиб, қисиб ёки кенгайтириб олиши мумкин.

Таянч сезгиси – мураккаб сезги. У эшитиш, нафас мушаклари ҳаракати, нафас таянчи, вибрацияли сезгилардан иборат.

(Бу сезгиларни ўқувчида ривожлантириш учун ўқитувчи унинг эътиборини уларга қаратиш лозим).

Билим олиш жараёнида кузатиш, диққат, хотира, фикрлаш ва тасаввур жуда катта аҳамиятга эга. Хонандага саҳна образини яратиш учун кузатиш зарур. **Кузатиш** бирон жисм ёки ҳодисани ўрганиш учун қаратилган ихтиёрий идрок. Кузатиш онгли равишда ўтказилади ва албатта кузатув натижаси таҳлил қилиниши лозим. Кузатиш ҳар бир фаолиятда ютуқларга эришиш учун зарур бўлган қобилият, уни ривожлантириш шарт ва лозим. Хонанда ўзини ва бошқа ашулачиларни кузатиб, товушда пайдо бўлаётган барча ўзгаришларга аҳамият бериб, сезги ва ҳаракатларни тўғри назорат қилиб, уларни эслаб қолиши зарур.

Ўқитиш жараёнида диққат катта аҳамиятга эга. **Диққат** – шахс фаолияти барча турларига, айнан меҳнат ва ўқув фаолияти самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир, у руҳий фаолиятимизни ташкил қилади ва тартибга солади. Машҳур хонанда ва ўқитувчи Полина Виардо айтганидек: «Икки соат диққатсиз куйлагандан кўра, 20 минут диққат билан дарс қилгани афзалроқ». Диққат йиғилган ва ёйилган бўлиши мумкин. Берилаётган маълумот қизиқарли бўлса диққат йиғилади, акс ҳолда қизиқиш йўқолади ва шу билан бирга диққат ёйилиб кетади. Ихтиёрий диққатни ривожлантириш мумкин.

Хонанда муваффақиятли ижод қилиши учун унда яхши хотира ривожланган бўлиши шарт. **Хотира** – бу руҳиятнинг эслаб, сақлаб ва қайтариб бериш хусусиятидир. Баъзиларнинг хотираси аъло даражали феноменал равишда бўлиши мумкин (В.А.Моцарт ёшлигидан асарни

бир маротаба эшитиб, уни чалиш ва нотага тушира олиш хусусиятига эга бўлган). Баъзиларда эса хотира жуда суст ривожланган бўлади, асарни ёдлаш учун уни кўн маротаба такрорлашлари керак. Хотира кишининг ривожлантириладиган хусусияти. Ёдлаб олишнинг асосий йўли – такрорлаш. Аммо фақат такрорлаш билан мақсадга эриша олмаслик ҳам мумкин. Шунинг учун такрорлаш билан бирга «ёдлаб олиш» мақсадини олдига кўйиш зарур.

Ҳеч қандай фаолият тури **фикрлаш**сиз ўтмайди. Баъзида дарс бошланишида бир-иккита машқ берганидан сўнг ўқитувчи ўқувчига: «бугун сен куйламаганинг маъқул, овоз аппаратинг жойида эмас, врачга боришинг керак» деб айтади. Ўқитувчи шогирдининг овоз аппаратини кўра олмади, лекин унинг куйлашини таҳлил қилиб шу хулосага келди. Бундай билиш фикрлашга тегишли. Шахс олдида биронта масала ёки муаммони ечиш вазифаси турганида унда фикрлаш бошланади. Фикрлашда биз таҳлил қиламиз, умумлаштирамиз, ассоциатив ҳолда ҳодисаларни бир-бирига солиштирамиз, айрим ҳоллардан умумий қоида (индукция), ёки умумий ҳоллардан айрим қоидаларни (дедукция) чиқарамиз, унинг сабаб ва натижаларини аниқлаймиз. Юқорида кўрсатилган мисолда ўқитувчи хулоса чиқаришдан олдин бир неча масалани ҳал қилди. Энг аввало, у ўқувчининг овоз сифатлари ўзгарганлигини, ёмонлашгани сабабини аниқлади. Овози нима учун чиқмади? – кеча чарчаганиданми, шамоллаганиданми ёки техникаси нотўғри бўлганиданми? Ўйлаб кўриб техникаси тўғри деб хулоса чиқарди. Ўқувчидан: кеча кўп куйламадингми, чарчамадингми? – деган саволига жавоб олиб овоз чарчамаганлигини аниқлади. Ундан кейин ўқувчининг ҳолатини кўриб, овоз янграшини эшитиб, ўқитувчи уни врачга юборишга қарор қилди. Албатта, бундай вазифани ечиш учун тажриба ва билимларга эга бўлиши зарур. Ўқитувчи ёш хонанда олдида турли вазифаларни кўйиб, уларни ечиш йўллари кўрсатиши, чиққан овоз хусусиятлари ва сезгиларни бир-бирига солиштириши, уни фикрлашга ўргатиши керак.

Ҳар бир рухий фаолият **тасаввур** билан боғлиқ. Тасаввур қилганда биз онгимизда янги сиймо, кўриниш ва ғояларни яратамиз. Хонанда янги рол ёки асарни ўрганаётганида у дарҳол тасаввур қилишни бошлайди: Нима бўляпти? Қаерда? Қачон? Нима сабаб билан? Кўриниши, жойи қандай? – ва хоказо. Ижрочилик фаолияти ижодий тасаввур билан чамбарчас боғлиқдир. Вокал мусиқасида асарнинг матни образ яратишда ёрдам беради. Ёш хонандада тасаввур

қилишни талаб қилиб, уни ривожлантириш зарур. Ижодий муносабатсиз ижро этишга йўл қўймаслик керак. Тасаввурни адабиёт, тасвирий санъат, тарихни ўрганиш ва ҳис-туйғуларни уйғотиш билан ривожлантириш мумкин.

Инсоннинг ички дунёсини ҳиссиётларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. **Ҳиссиёт** – шахснинг ташқи муҳитга бўлган турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир. Ҳиссиётлар ижобий ва салбий характерга эга. Овоз яхши янграса, асарнинг ижро этилиши юқори савияда бўлса хонанда хурсанд бўлади, унинг кайфияти кўтарилади. Акс ҳолда у хафа бўлади, ўз кучига ишонмай қолади, кайфияти бузилади. Дарсда пайдо бўлган муносабатларнинг даражаси катта аҳамиятга эга. Ўқувчи ўтган дарс натижаларидан хурсанд бўлса, ўқитувчи бажарган меҳнатидан қониққан бўлса, қилинган фаолият натижаси ижобий бўлади. Ўқувчи ашула айтаётганида ноқулайлик сезса, ўқитувчи талаб қилганини тушунмай бажара олмаса, жажл устида асабийлашиб турса, ўқитувчи ҳам дарс натижасидан қониқмай қолади. Бундай вазият мунтазам равишда давом этса ўқувчи бошқа ўқитувчига ўтишга мажбур бўлади. Шунинг учун энг муҳими – дарс давомида ўқувчида ижобий ҳиссиётларни уйғотиш. Қийинчиликлар бўлса ҳам ўқитувчи ўқувчини қўллаб-қувватлаши керак, унга ўз хафалигини, дарсдан қониқмаганлигини кўрсатмаслиги зарур. Ҳар бир талабанинг ҳиссиёт, эмоционаллиги турличадир. «Совуқ» талабаларни ўқитувчи киздириши, дарсга кизиктириши, ўзи эмоционал равишда овози билан кўрсатиши керак. Шу билан бирга дарс ижрочининг жонлилиги, эмоционаллиги чекланган ҳолда ўтилиши лозим. У вокал техникаси, овоз чиқарилишига ҳалақит бермаслиги керак. Мисол учун: хонанда ижро этаётганидан ўзи йиғлаб кетса, бу ҳолат овозга салбий таъсир кўрсатади. Томошабинларга эса унинг кўз ёши ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Хонанданинг характери, дунёқараши, иродалилиги, ҳиссиётларининг фаоллигига таъсир қилади. Булар қаторига кайфият ҳам қиради.

Бундан ташқари билим натижасига шахснинг руҳий хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Улар қобилият, ирода, кизиконлик, характер, талант ва бошқалар. Муваффақиятга эришиш учун албатта инсоннинг иродаси муҳим рол ўйнайди. **Ирода** – мақсадга эришиш учун инсоннинг онгли равишдаги ҳатти-ҳаракатлари. Инсон кўзлаган мақсадига эришиши учун хоҳиш ва иродаси кучли бўлиши зарур. Лекин хоҳишнинг ўзи камлик қилади, қабул қилинган қарорга, қўйилган вазифага эришиш учун ҳаракат қилиш лозим. Иродасиз

хонанда ҳеч қачон санъатнинг юқори чўққисига чиқа олмайди. Буюк хонандаларнинг ижодий фаолияти тарихини ўрганаётганимизда юқоридаги фикрларни қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Демак продали нисон – қўйилган мақсадлари тўғрилигига ишонган, ўз ҳаётини санъатга бағишлаган, ҳар қандай кийинчиликларга карамай, мақсадига эришиш учун ҳаракатланган нисондир.

4-БОБ. ТОВУШНИНГ АКУСТИК ТУЗИЛИШИ. ХОНАНДАЛИК ФОРМАНТАЛАРИ.¹ ЯХШИ ЭШИТИШ ДОИРАСИ

Муסיқа товушлари дунёсида хонандалик овозига энг фахрли ўришлардан бири ажратилган. Товуш ости акустикасида тебранишнинг тарқалиши, шунингдек эгилувчанлик мухити тўлқинлари тушунилади. Овоз товуши – бу ҳаво зарраларининг тебраниши бўлиб, зичланиб ва енгилланиб тўлқинланадиган тури ҳисобланади. Мазкур ҳолатда товуш бойламлари бундай тўлқинларнинг юзага келишида асосий манба вазифасини бажаради. Ҳикмидоқда туғилган товуш тўлқинлари ҳар томонга тарқалади: ҳикмидоқни қуршаб олган тўқималаргача, шунингдек организм ичига ва ҳаво йўллари орқали оғиздан ташқарига чиқиб, ташқи бўшлиққа тарқалади.

Товушлар тонли (маълум баландликка эга бўлган) ва шовқинлилиги (баландлиги аниқланмаган) билан фарқланади. Тонли товушлар мунтазам ҳолда маълум частота билан тебраниш ҳосил этган манба ҳаракатланиб тебраниб турганида ҳосил бўлади. Барча унли товушлар оҳангли, ундош товушлар эса шовқинли ҳисобланади.


Ҳар қандай муסיкий товуш баландлиги, кучи ва тембри билан фарқланиб туради.

Товуш баландлиги – бу тебранма ҳаракат частотасини субъектив равишда қабул этиш. Ҳавонинг даврий тебраниши қанчалик тез содир бўлса, товуш ҳам шунчалик юқори бўлади.


Товушнинг баландлик сифати туғиладиган товуш аппаратининг ягона услуби одам товуш бойламлари ҳисобланади. У туғилгандан кейинги баландликни организмда ўзгартира оладиган бошқа ҳеч қандай механизм йўқ. Икки тўлқин оралиғидаги масофа – тўлқин узунлиги деб аталади. Мадомики, тебраниш тарқалишининг тезлиги

¹ Форманта – обертонлар тарқибиди қисман кучайтирилган частота соҳаси.


бир – 342 м/сек, тебраниш қанчалик куп йиғилса, тўлқин узунлиги шунча қисқа бўлади. Тебраниш частотаси ва тўлқин узунлиги қарама-қарши пропорционалликка қарамлик ҳолатида бўлади.



1-расм. Ҳикилдоқда ҳосил бўлган товушнинг тарқалиши. Қора чизикчалар билан ҳаво йўлларида тарқаладиган ва тингловчининг қулоғига етадиган тўлқинлар кўрсатилган.



2-расм. Сув устида ҳосил бўладиган тўлқинларнинг график чизмаси. Иккита қўшни тўлқин орасидаги узунлик – тўлқин узунлиги. Тўлқиннинг ўртача ҳолатига нисбатан кўтарилиб тушиши – унинг амплитудаси.



3-расм. Турли частотадаги товушлар бир хил тезликда тарқатилади. Баланд товушлар тезроқ тебранади, пастлари эса – секинроқ.

Товуш баландлиги герц (гц) билан ўлчанилади. Куйлашда қўлланиладиган тўлқинлар частотаси товуш диапазонининг нисбатан қисқа, қулоқларимиз эшита оладиган қисмини эгаллайди.

Агар қулоқ 16 гц дан то 20000 гц гача эшитса, хонанда диапазони 60 гц дан то 1200-1300 гц гача тарқалади.


Товуш кучи – бу тебранима ҳаракатлар тебранишининг шунингдек унинг амплитудаларининг субъектив қабул этиш. Амплитуда унинг частотасига қарам эмас. Товуш кучи ҳам ҳиқилдоқда туғилади ва бойлам ости босим кучи ортиб бориши билан кўтарилиб боради. Бойлам ости босимининг кўтарилиши энергетик резервуар ҳисобланиб, овоз тешигида пайдо бўлган товуш энергиясидан озикланади. Бирок бу энергиянинг унчалик катта бўлмаган қисми товушга ўтади. Овоз тешигида товуш кучи туғилади ва кейин тез нобуд бўлади. Ҳиқилдоқда туғилган товуш энергиясининг фақат 1/10-1/50 қисмигина оғиз бўшлиғидан ташқарига чиқади.

Демак, бу энергиянинг асосий қисми организмнинг ичида бош, бўйин, кўкрак пардаларида титраш ҳосил қилиш билан йуқолиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, акустик энергия – ҳиқилдоқ товуши энергияси бўлиб, нафас ва ҳиқилдоқ мускулларининг натижасидир.

Тажрибасиз хонандалар паст акустик самарадорликни юзага келтириш учун ҳам кўп меҳнат сарфлайдилар. Товуш кучи децибелл(дб)ларда ўлчанилади.

Тембр ашулачилик овознинг бир мунча мураккаб сифати саналади. Тембр – товуш таркибидаги обертонларни субъектив қабул этиш. Товуш оҳанглари бошқа мусиқа товушлари каби мураккаб товуш ҳисобланиб, биргина маълум частотали тебраниш (амплитуда) лар дан эмас, балки турли-туман частотали ва амплитудаларни ўз ичига олган бир қатор оддий тебраниш обертонларидан ташкил топган. Оқ рангнинг таркибига оддий ранглар тортилгани каби ашулачилик товушининг мураккаб оҳангини унинг оддий таркибли тебранишларидан териб кўйиш мумкин. Асосий оҳанг уларнинг энг пасти ҳисобланиб, у товуш баландлигини белгилайди. Қолган оҳанглари қисман ёки асосий оҳанг обертонлари деб номланади. Уларнинг жарангдорлик даражаси ўрта маълум тембрни ҳам ташкил этади.



4-расм. Таранг торнинг тебраниши. Яхлит тебраниши А-В асосий тонни ҳосил қилади: А-с, с-В – асосий тондан октава ҳосил бўлиши (тебраниши 2 баробар тез), А-а, а-в, в-В – асосий тондан квинта ҳосил бўлиши (тебраниш 3 баробар тез) ; 1 – асосий тон; 2 – октава; 3 – октавадан ҳосил бўлган квинта.

Хонандалик товуш тембри вибратога ҳам боғлиқ. Вибрато – бу биз хонанданинг ширали товушида эшита оладиган вилончел ёки скрипка каби гўзал оҳангларнинг томир уриши ҳисобланади. Нутқда вибрато мавжуд эмас. Агар ашулчилик овоз бу сифатдан холис бўлса, у куруқ, жонсизликка айланади. Агар вибрато жуда ҳам кам ва чуқур бўлса, биз бу товуш «тебранапти» деб айтамыз. Агар тескари бўлса – жуда ҳам тез-тез ва қисқа бўлса – биз «барра» товушнинг тремоляцияси ҳақида гапирамыз. Бир секундда 6-7 бор томир уриши содир бўлса, хонанданинг овозини тўлақонли чиройли оҳангдорлик сифатида қабул қиламыз.

Товуш тембрини шакллантиришда бурун ва бурун-халқум ичи сезиларли таъсир ўтказиши мумкин. Куйлашда юмшоқ танглай туширилса, товуш бурун бўшлиғи ичи билан кенг мулоқат қила бошлайди ва бурун товушига айлана боради. Товушнинг бурун асорати тембрнинг бузилишига олиб келади ва хонандалар ундан воз кечишга ҳаракат қилишади.

Тебранаётган тана энергиясининг товуш тебранишига ўтиши товушнинг нурланиши деб аталади. Акустикада куйидаги қоидага амал қилинади: майдоннинг юқори қисми қанча куч билан нурланса, шунчалик яхши нурланиш ҳосил бўлади. Инсоннинг товуш чиқиш йўли узи билан бирга ўзига хос рупор ҳосил қилади: тебраниш манбалари устида – бойламларда – ташқи муҳитга очилган найчага ўрнатилган. Рупорнинг кенг қисми – рупор оғзи – чиқиш тирқишига эга оғиз билан яқунланади. Одамнинг товуш найчасидаги оғзи рупор оғзи ролини ўйнайди. Фонация бериш даврида оғиз қанчалик катта очилса, ташқи кепгликка энергия шунчалик яхши чиқади. Бирок куйлашда оғизни максимал очиш ҳоллари жуда кам учрайди, негаки ашулани белгилловчи товуш кучи эмас, балки унинг гузал тембри ва аниқ дикцияси ҳисобланади. Бундан ташқари оғизни максимал очиш ҳикилдоқни кўшилиб кетиш ҳолатига олиб келиши, товуш тирқишига салбий таъсир кўрсатиши ва хонандалик тембрини туғри ташкил этишга тусқинлик қилиши мумкин.

Ҳар қайси унли товушлар ўзининг обертонлари таркибида **форманаталар** деб аталувчи иккита қисман кучайтирилган частота соҳасини мужассам этади. Ҳар бир унли товуш худди шундай иккита бош соҳанинг кучайтирилиши билан характерланади.

Юқори хонандалик форманта бойлам устидаги ҳикилдоқ бўшлиғида юзага келади. Паст овозларники 2500-2800 гц, юқориларники – 3200 гц гача. Юқори хонандалик формантани

товушга жонлилик, гўзаллик, қатъийлик багишлайди. Аник ифодаланган юқори хонандалик форманта яхши қўйилган ашула товушининг асоси ва муҳим сифати деб ҳисоблаш мумкин. У ҳар қандай товушда, ҳатто бас таркибида ҳам бўлиши шарт. Юқори хонандалик формантани 1934 йили В.Бартоломью кашф этган.

Паст хонадалик форманта (500 гц га яқин) равон, товушнинг тўлиқ жарангдорлиги билан боғлиқ. Усиз товуш очилиб кетади. Бу формантанинг келиб чиқиш жойи – ҳикилдоқнинг пастки қисми ва кекирдақ бўлади.


Бизнинг эшитиш қобилиятимиз яхши эшитиш доирасига эга бўлгани учун товушда юқори хонандалик формантанинг бўлиши ниҳоятда зарур бўлиб, юқори хонандалик формата соҳаси ҳисобланган 2500-3000 гц ли частотани эшитиши мумкин. Бу соҳага кулоқнинг ташқи эшитиш тешигига акс-садо беради ва шу билан бирга у бу тебранишларни кулоқ пардасига узатади.

5-БОБ. ОВОЗ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Овоз ҳосил қилувчи органларга қуйидагилар киради: ҳикилдоқ, огиз ва бурун бўшлиқлари, кекирдақ ва ўпка (5-расм).


Ундан ташқари, овоз ҳосил қилишда марказий нерв системаси ҳам қатнашади, у ашулачилик жараёнини бошқаради. Ҳикилдоқ кекирдақ (трахея) ва халқум орасида жойлашган. У уч хил фаолиятини бажаради: нафас олиш, ҳимоя қилиш ва овоз чиқариш. Ҳикилдоқ тиккасига кесилган ҳолда кум соатга ўхшайди (6-расм).

Ҳикилдоқ ичидан шилимшиқ парда билан қопланган ва тўртта томоқ тоғайидан иборат: қалқонсимон, иккита чўмичсимон ва узуксимон тоғайлар. Улар ўзаро боғланган ва мушаклар билан таъминланган, томоқ тоғайлари ёшига қараб аста-секин қаттиқлашиб суякка айланиб боради. Бўғизнинг юқори бўлими – устки бойлам бўшлиғи сохта товуш бойламигача чўзилган. Морганлар ошқозони номини олган, икки томонлама чуқурлашган қисм ёлғон товуш бойламидан ҳақиқий товуш бойламигача чўзилган.




5-расм. Овоз аппаратининг тузилиши:

1 – пешана бўшлиги; 2 – юкори чуқурча (раковина); 3 – ўрта чуқурча (раковина); 4 – остки раковина; 5 – қаттиқ танглай; 6 – юмшоқ танглай; 7 – тил ости суяги; 8 – ҳикилдоқ қопқоғи; 9 – қалқонсимон тоғай; 10 – ҳақиқий товуш бойламлари; 11 – кекирдак; 12 – асосий бўшлик; 13 – Евстахий трубанинг халқум тешиги; 14 – танглай бодом безлари (миндалинаси); 15 – бўйин умуртқаси; 16 – узуксимон тоғай; 17 – овқат ўтиш йўли.



6-расм. Ўрта чизикдан кесилган ҳикилдоқ кўриниши: 1 – тил; 2 – тил ости суяги; 3 – ҳикилдоқ қопқоғи; 4 – овоз тешиги; 5 – ҳақиқий товуш бойлами; 6 – узуксимон тоғай; 7 – қалқонсимон тоғай; 8 – қалқонсимон тоғай дойрачалари; 9 – узуксимон тоғайнинг узуғи.

Ҳикилдоқнинг пастки бойлам бўшлиги бармоксимон тоғайнинг пастки чеккаларигача етади. Ҳикилдоқнинг юқоридаги тешиги овал шаклига эга бўлиб «ҳикилдоққа кириш» номини олган, унинг олдинги қисмида ҳикилдоқ қопқоғи жойлашган (7-расм). Нафас олинганида ҳикилдоққа кириш очилади, ютиниш пайтида ҳикилдоққа кириш энгашиб ҳикилдоққа киришни ёпади. Овоз ҳосил бўлишда ҳикилдоққа кириш тораяди, ҳикилдоқ қопқоғи эса уни устидан бироз беркигиб туради. Ашулачилик овози аъло сифатлари пайдо бўлиши учун бу ҳолат муҳим рол ўйнайди. Қалқонсимон тоғай товуш бойламининг узунлигига боғлиқ бўлиб, эркакларда аёлларникига нисбатан узунроқ, кучли ривожланган.



7-расм. Лорингоскоп ёрдамида кўрилган ҳикилдоққа кириш ва ҳикилдоқ бўшлигининг кўриниши: 1 – ҳикилдоқ қопқоғи; 2 – ҳикилдоқнинг орқа томони; 3 – ҳақиқий товуш бойламлири; 4 – нафас олиш пайтида кўринадиган кекирдак дойрачалари.

Бу ҳикилдоқнинг катталигига таъсир қилади – аёллар ҳикилдоғининг энг каттаси тахминан эркаклардаги энг кичкина ҳикилдоқ билан тенг. Ҳикилдоқ тил остидаги ҳаракатчан суякка маҳкамлаган ва унга умуртқа олди мускул пардаси билан боғланганлиги сабабли ҳикилдоқ аста ва фаол ҳаракат қилиши мумкин (8-расм).

Ёлгон товуш бойламлири ашула айтишда қатнашмайди, лекин улар таркибида суюқлик билан таъминлайдиган безлар бўлиб, улар ҳақиқий товуш бойламлирини намлаб туради. Ҳақиқий товуш бойламлирининг қирғоқлари садаф рангга эга. Товуш бойламлирининг ишида икки гуруҳ мускуллари: ички ва ташқи чўзиқ мускуллар товуш ҳосил бўлишида иштирок этади. Мазкур гуруҳдагиларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Ички мушаклар кўкрак регистрда товуш бойламлирининг узунлигини, йўғонлигини, кенглигини ўзгартиради, товуш бойламлирининг ораллигини кенгайтиради ва торайтиради.



8-расм. Ҳиқилдоқни ушлаб турадиган ташқи мушаклар:

1 – бир томони билан остки жагга, бошқа томони билан тил остидаги суякка боғланган мушаклар; 2 – юқоридан тил ости суягига ва хиқилдоқнинг қалқонсимон тоғайга, пастидан эса кўкрак қафасига боғланган мушаклар; 3 – ёрдамчи нафас мушаги; 4 – юқоридан бош чаноғига, пастидан эса тил ости суягига боғланган мушаклар.


Тинч нафас олинаётганда бойламлар орасида учбурчак шаклидаги тешик очилади – товуш тешиги орқали ҳаво бемалол ўтади. Овоз ҳосил қилишда товуш бойламлири бир-бирига яқинлашиб товуш тешигини беркитади. Ҳиқилдоқ овқат тушиб қолишдан ҳимоя қилиш учун ютинган вақтда томоқ учбурчакли кемирчак пластинка, яъни хиқилдоқ қопқоғи билан беркитилади.

Буруннинг таркиби суякли ва кемирчакли скелетдан иборат. Бурун бўшлиғи шилимшиқ пардалар билан қопланган, бир-бирига тенг иккита примликдан иборат бўлиб, бу жой бурун чиганоғи дейилади ва уларнинг остидан бир нечта бурун бўшлиғидаги чиқиш жойлар очилади: пешона, иккита гаймор, панжарасимон бўшлиқлар.

Халқум найсिमон оралиқ тушунилиб, юқориси бош миянинг туби билан чегараланади, пасти эса хиқилдоқ ва овқат йўлига ўтади. Олдиндан унга оғиз ва бурун бўшлиғи ўтади, натижада учта алоҳида анатомик қисм пайдо бўлади: бурун-халқум бўшлиғи, оғиз-халқум бўшлиғи ва халқумнинг ўзи.

Эснаш юқоридан танглай пардалари билан, пастдан эса икки томонлама танглай дўғчаси орқали тилгача чегараланган. Танглай пардаси шилимшиқ пардалар пластинка билан қопланган ва орқага давом этган қаттиқ танглай ҳисобланади. Кичкина тилча юмшоқ танглай ўртасида жойлашган, у ўзининг шахсий мушакларига эга.

Ҳиқилдоқ нафас йўлига – найча ҳалқали томоқ кемирчакларидан таркиб топган трахеяга давом этган (9-расм). Трахея иккита йирик бронхга бўлинади, у эса ҳамма нарсанинг бўғизигача майдалаб иккита ўпка ҳосил қилади. Кўкрак бўшлиғи корин бўшлиғидан диафрагма билан ажратилган. Бу кучли мушак орқасидан умуртқа поғанасигача, олдиндан эса офтоб ўрамаси билан мустаҳкамланган. Диафрагма нафас олинишида қисқаради ва пастга тушади, шунда кўкрак қафасининг ҳажми кўпаяди, нафас чиқарилаётганида эса кўтарилади. Аммо нафас олиш ва нафас чиқаришни онгли равишда назорат қилиш мумкин бўлса ҳам, диафрагма ҳаракатлари бизнинг онгимизга бўйсунмайди.



9-расм. Ўпка, бронхлар, ҳиқилдоқ ва юқори резонаторларнинг тузилиши: 1 – ўпка; 2 – бронх; 3 – бронхиола; 4 – альвеолалар; 5 – тил; 6 – шиқилдоқ; 7 – кекирдак; 8 – кичик тилча; 9 – ҳиқилдоқ қопқоғи.

6-БОБ. НАФАС, ҲИҚИЛДОҚ ВА ТАЛАФФУЗ АППАРАТИ ГАПИРИШ ВА КУЙЛАШ ПАЙТИДА. ОВОЗ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗАРИЯЛАРИ

Ашулачилик нафаси

Овоз чиқариш вақтидаги нафас аппаратининг ҳаракатлари ҳиқилдоқ ва талаффуз аъзолари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шу боис куйлашда нафас йўллари ишини алоҳида ўрганиш шарт. Негаки, овоз ҳосил этиш жараёнида эркин нафас чиқариш пайтида унинг йўлини тўсиб турувчи аъзо товуш бойламларидир. Овоз ҳосил этиш вақтидаги товуш бойламларнинг тебранишида бевосита нафас иштирок этади. Шунинг учун ашулачилик нафаси ҳақида сўз юритилганда албатта, айнан, шу пайтда ҳиқилдоқнинг ҳатти-ҳаракатлари назарда тутилади.

Вокал-услубий адабиётларида нафас масаласига алоҳида ўрин ажратилади. Бироқ бу масала борасида педагог ва хонандаларнинг қарашлари турлича. Улардан баъзилари (М.Гарсиа, Ф.Ламперти) санъатда нафас олишдан тўғри фойдалана билиш кўшиқчилик санъатининг асоси деб билса, бошқа бирлари агар бўғиз ва талаффуз иши тўғри ташкил этила олса, нафас олишнинг ўзи мослаша боради ва бирлашиб кетади. деган қарашларни илгари суради. Хонанда ва педагогларнинг фикри фақат бир жойда – хонандада узоқ муддатли товуш янграшини таъмиловчи майин ва узун нафас чиқаришни ривожлантириш зарур деган кўз қарашда бир хил.

Нафас олиш характери турли тарихий шароитда асосан опера мусиқаси характерига боғлиқ. Масалан, XVII асрда яратилган биринчи опералардаги вокал партиялар ўз ижроси билан нутқ ва кўшиқ ўртасида бўлганлиги сабабли нафас олиш тури кўкрак қафаси орқали амалга ошириларди. XIX асрда вокал партиялари мураккаблашиб, бир мунча мазмунан бойиб, диапазоннинг кульминация (юқори) бўлимига кўчади, оркестрлар таркиби кенгайди ва уларнинг янграши кучаяди. Опера, театр ва концерт заллари катта қилиб қурилади, хонандалар, айнан эркак овозлар овоз ёпиш услубидан фойдалана бошлайди, буларнинг ҳаммаси нафас олиш турини диафрагматик (қорин) ва кўкрак-диафрагматик (кўкрак-қорин) нафасига ўтишини талаб этди. Шундай қилиб, нафас турлари вокал партияларнинг характери, уларни ижро этиш учун талаб

қилинган овоз сифатлари, бунинг учун керак бўлган вокал-техник услублардан келиб чиққан ҳолда ривожланган.

Куйлашда нафас олишнинг куйидаги анъанавий турлари фаркланади (10-расм):

- **Юкори кўкрак нафаси (клавикулярли)**, кўкрак қафаси тепа ва олдинги бўлимлари кўтарилиши ва кенгайиши ҳисобига нафас олиш амалга оширилиб, диафрагма унинг ҳаракатида жуда сустишироқ этади. Бундай ҳолатда қорин тортилиб, кўкрак қафасининг олд бўлими, ўрмов ва баъзан елкалар сезиларли даражада кўтарилади;

- **кўкрак нафаси** – унда кўпроқ кўкрак қафасининг ўзи ҳаракатда бўлади (бу нафасдан кўпроқ аёллар фойдаланадилар);

- **пастки-қовурға-диафрагматик** (косто-абдоминал: «costa» – қовурға, «abdomen» – қорин) нафаси, ундан кўпчилик хонандалар фойдаланади. Кўкрак қафасининг пастки бўлими билан нафас олинаётганда қорин ҳам бир мунча олдинга чиқади,


- **қорин (абдоминал) нафаси** – бу жараёнда қорин мускуллари фаол иштироқ этса, кўкрак қафасининг ҳолати ўзгармайди.

Хонанда куйлаш пайтида тос билан нафас олиш мумкин, деган фикрлар ҳам мавжуд. Лекин бундай ҳолат бўлиши мумкин эмас, негаки тос суяклари ҳаракатланиши ва торайиши мумкин эмас. Куйлашда тос диафрагмасининг роли ҳақидаги фикр баъзи бир хонандаларнинг ижро вақтида қорин ичи босими жуда кўтарилиши оқибатида юзага келган субъектив баҳодир.

Вокал санъати тарихи ва амалиётида яхши касбий ижро ҳар қандай нафас олиш турида мумкинлиги исботлаб турибди.

Бундай нафас олиш қайси мускул гуруҳлари ҳисобига амалга ошиши эмас, балки нима ҳисобига товуш ижро этилишини мувофиқлаштириши белгиловчи ҳисобланади. Товуш ижросини мувофиқлаштирувчи 3 гуруҳ мавжуд:

1. Кўкрак қафаси мушаклари. Хонандалар бундай ижрода йўғон (кучли) овозга эга бўлиб, бироқ товуш жарангдорлиги бир қолипда бўлади.
2. Қорин мушаклари. Хонандалар бундай ижро усулида жўшқин ранг-барангликка эга бўладилар.
3. Кўкрак қафаси ва қорин мушаклари. Бундай ижро усулидаги хонандалар етарлича кучли овоз ва жўшқин ранг-барангликка эга бўладилар.



10-расм. Нафас турлари (пунктир билан нафас олиш ҳолати кўрсатилган)

А – аралаш кўкрак-қорин; Б – аралаш кўкрак-қорин (ён кўриниши); В – чин диафрагматик (абдоминал ёки қорин); Г – пастки коворға-қорин; Д – кўкрак-қорин; Е – чин кўкрак нафас, шунда қориннинг олд қисми тортилади.

1 – ўпкалар; 2 – юрак; 3 – диафрагма нафас чиқарилган ҳолатида; 4 – диафрагма нафас олинган ҳолатида; 5 – кўкрак қафаси нафас чиқарилган ҳолатида; 6 – кўкрак қафаси нафас олинган ҳолатида; 7 – қорин нафас чиқарилган ҳолатида; 8 – қорин нафас олинган ҳолатида.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кўкрак қафаси мушаклари қорин мушакларига нисбатан ҳаракатда бир мунча чекланган. Шу муносабат билан хонандалик ижросини алоҳида товуш сифати билан боғлиқ ҳолда мувофиқлаштириш, хонанда учун нафас олишнинг қоришиқ турини ишлаб чиқариш, товуш ижроси жўшқинлигига ва боғловчи босимларни мувофиқлаштириш, ҳаракатчанликка эришиш муҳим ҳисобланиб, у хонандага бой бадиий ижро воситасидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Биз барча нафас турларини кўриб чиқдик. Шуни айтиш лозимки, овознинг профессионал янграши нафас турларининг ҳар бирида ҳосил бўлиши мумкин. Чунки хонанданинг асосий вазифаси – нафас чиқариш узунлигини ривожлантириш. Нафас эса ҳикилдоқ, яъни товуш

бойламлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракатдадир. Нафас тури, унинг ишлатилиши ҳар доим овоз сифатларига асосланиб, унинг хусусиятлари билан боғланган бўлиши зарур.

Турли мактабларда турли педагоглар нафас масаласига ҳар хил қарашлари билан ажралиб туради. Баъзилар нафасга унчалик аҳамият бермайдилар, ашулачиға қулай бўлса-бўлди, деган фикрдалар. Бошқалар эса дастлабки дарсдаюқ нафас ҳаракатларини ўргата бошлайдилар. Бу масалада асосий ўрин нафас олинишиға бсрилади. Нафас олишда нафақат нафас олинади, балки айнан, шу вақтда овоз аппарати куйлаш учун тайёргарлик кўради. Нафас олиш тез, чуқур ва шовқинсиз бўлиши керак. Нафас бурун, оғиз ёки бурун ва оғиз билан биргаликда олиниши мумкин. Бошловчи хонандалар нафасни шовқинли оладилар. Бунинг сабаби – нафас олинаётганида ҳаво томоқ йўллари яхши очилмаганлиги туфайли уларға тегиб шовқин ҳосил қилади. Бу ҳолат мавжуд бўлмаслиги учун нафасни енгил эснаш билан бирға олиш зарур. Эснаш пайтида юмшоқ танглай кўтарилади, халқум эса кенгаяди. Шунда юқори ашулачилик позицияси ҳосил бўлади, бу эса ашулачилик овози чиқариш учун катта қулайлик туғдиради.

Вазмин темпда куйлаш учун бурун билан нафас олган яхшироқ. Бундай нафас олиш томоқнинг қуриб қолмаслигига олиб келади, ундан ташқари нафас олиш чуқурроқ ва кенгроқ бўлади. Тез темпда айтиладиган асарларда нафас ҳам бурун, ҳам оғиз билан олинади. Фақат бурундан нафас олиш ноқулайлик ва эстетик жиҳатидан хунуқликка олиб келиши мумкин. Нафас олгандан сўнг уни бироз тўхтатиб (фақат қисиб кўймасдан) кўйиш лозим. Бу ҳолат «нафас олиш позицияси» деб номланади. Ушбу позицияни, яъни нафас олиш вақтида юмшоқ танглай кўтарилганлиги, ҳиқилдоқ пастға тушганлиги, халқум кенгайганлиги, нафас мушаклари фаол ҳолатға келганлигини куйлашни бошлаганда албатта, сақлаб қолиш зарур.

Нафас чиқариш товуш бойламлари бир бириға бирлашганлиги билан бошланади. Тўғри ашулачилик нафасининг мақсади – нафас чиқаришда унинг узунлиги, давомийлиги, майинлигини ривожлантиришдадир. Ўрганмаган ёш хонанда одатда меъёрсиз нафас олиб уни биринчи ноталарни айтганининг ўзида чиқариб юборади. Айнан шу ҳаракат энг мураккаб деб ҳисобланади. Нафас чиқаришда нафас олувчи ва нафас чиқарувчи мушакларнинг ўзаро фаолияти муҳим ўринға эға. Одатда уларнинг иши кетма-кет бўлса, куйлаш пайтида улар бир-бириға қарама-қарши бўладилар. Нафас чиқаришда нафас олувчи мушаклар худди нафас олинаётгандек қисқариб туришлари керак. Бу дегани нафас

олинганидан кейин кенгайган пастки ковургалар ва кориннинг олдинга чиққанлиги бирдан ўз ҳолатига қайтиб кетмаслигини назорат қилишдир. Нафас чиқарилгани билан диафрагма аста-секин ўз ҳолатига қайтади. Бу «нафас таянчи» сезгиси деб номланади. Демак, нафас таянчи – ашулачилик овози ҳосил қилиш учун керак бўлган пастки товуш бойламидаги нафас босимини бошқаришдир.

Лекин нафас таянчини мушакларнинг қисилган, қотиб қолган ҳолати деб тушунмаслик керак. Нафас таянчи эгиловчан, фаол, пластик ҳолда бўлиши зарур. Нафас олиш позициясини сақлаб туриш вақтида нафас олувчи мушакларнинг қисилиб, қотиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Хонандалар шундай ҳолатни нафас қисилгани деб тушунадилар. Бу ҳолат овоз сифатларини ўзгаришига, ёмонлашувига олиб келади. Худди шундай натижага нафаснинг зўриқиши олиб келиши мумкин. Шунда товуш бойламлари бир-бирини босиб кетади, овоз эса кўпол бўлиб, кийқирикқа ўхшаб кетади.

Д.Л.Аспелунд экспериментлар натижасида шундай хулоса чиқарди: нафас тури ҳеч қачон ўзгарувсиз, қотиб қолган бўлмайди. Ижро этилаётган асарнинг характери, эмоционалликка қараб нафас тури ўзгариб туриши мумкин. Енгил, майин куйлаш учун нафас бироз кўгарилади. Драматик, овоз кучини талаб қиладиган асарлар эса паст нафас ишлатилишини талаб қиладди. Нафаснинг бундай ўзгарувчанлиги албатта хонандада ривожланган аниқ нафас тури меъеридан чиқиб кетмайди. Шуниси қизиқарлики, баъзида хонанда ўзи ишлатадиган нафас турини тушунишга олмайдди, ёки унинг субъектив сезгилари аппаратураининг аниқ кўрсаткичларига тўғри келмайди. Илмий таҷқиқотларнинг натижасида аслида амалда соф, аниқ нафас турлари мавжуд эмаслиги, барча хонандалар нафас турларидан аралашган ҳолда фойдаланаётганлиги, шу пайтда нафас аппаратининг кўпроқ у ёки бу қисмини фаоллаштирилаётганлиги аниқланди.

Нафаснинг ривожланишида албатта, ашулачилик овоз янграшининг сифатига асосланиш зарур. Хонанда баланд нафас туридан фойдаланиши билан бирга унинг овози чиройли, бемалол, ҳеч қандай нокулайликсиз янграса бундай нафасни ўзгартиришнинг ҳожати йўқ. Сабаби – педагогнинг фикрича: бу нотўғри нафас деб уни ўзгартириши билан овозининг яхши сифатлари бузилиб қолиши мумкин.

Хонанданинг нафас ишлатиш маҳорати уни куйлаш пайтидаги чиқаришида намоён бўлади. Энг муҳими, қандай қилиб нафас олишда эмас (бу масалада педагогларнинг фикрлари турлича), балки қандай қилиб уни чиқаришдадир. Нафас чиқариш ҳамма вақт нафас олишдан

узунроқдир. Нафас олиганидан сўнг уни бироз тўхтатиб туриб фақат кейин уни куйлаш билан бирга аста-секин, майин чиқариш зарур. Нафасни охиригача ишлатмаслик лозим. Ўпкада ҳамма вақт озроқ қолдиқ ҳаво қолиши зарур.

Товушсиз нафас машқлари унчалик фойда келтирмайди, улар нафас мушакларини оғли равишда ишга солишга ёрдам бериши мумкин холос, чунки ашулачилик нафаси фақатгина куйлаш пайтида ривожланади.

Куйлашда ҳиқилдоқнинг аҳамияти

Ҳиқилдоқ – бу ашулачилик овози тугиладиган жой бўлиб унда овознинг асосий сифатлари: товуш баландлиги, тембри, кучи, ашулачилик вибратори ва жарағдорлиги ҳосил бўлади. Шунинг учун куйлаш пайтида нафас ва артикуляция органлари ўзаро келишилган ҳолда ҳиқилдоқнинг ҳаракати катта аҳамиятга эга.

Ҳиқилдоқ ҳаракати куйлаш пайтида ўрганилганда унинг икки йўналишидаги фаолият тури аниқланган:

а) ташқи мушкуллар билан қопланган ҳиқилдоқнинг қоришиқ ҳолдаги тўлиқ ҳаракатланиши;

б) товуш бойламлари иштрокидаги ҳиқилдоқ ички мушакларининг ҳаракатланиши.

Ҳиқилдоқнинг ҳаракат турлари унчалик ўзаро боглиқ эмас. Унинг баланд ёки паст жойланиши ҳиқилдоқнинг ички мушакларига, яъни товуш тешиги ташқи ҳаракатланишига алоқаси йўқ.


Аввал ҳиқилдоқнинг ташқи ҳаракатланиши, яъни унинг жойланиш ҳолати масаласини кўриб чиқамиз. Маълумки, ҳиқилдоқнинг баланд ёки паст жойланиши ашулачилик овоз тембри ўзгаришига олиб келади. Демак, куйлаш пайтидаги ҳиқилдоқнинг ҳолати вокал педагогикаси учун жуда муҳимдир.

Катта хонандаларнинг куйлаш амалиёти шуни кўрсатадики, одатда куйлаш ҳиқилдоқнинг излаб топилган махсус ҳолати асосига курилади ва бу ҳолат ижро охиригача сақланиб қолади. Вокал санъати тарихидан шуни кузатиш мумкинки, ҳиқилдоқ куйлаш пайтида баъзи хонандаларда баланд ҳолатни, баъзиларда эса паст ҳолатни эгаллаб туради. Ҳиқилдоқнинг ҳаракатланишини эркакларда аниқ кўриш мумкин, сабаби – уларда қалқонсимон тоғай анчагина олдинга чиқиб бўйинда яхши кўриниб туради. Аёлларда эса бундай ҳаракатланишни назорат қилиш қийин.


Бу масала бўйича хонандаларнинг фикрлари турлича. Хонандаларнинг кўпи куйлаш пайтида ҳиқилдоқнинг жойлашуви тўғрисида ҳеч қачон ўйламайдилар ва у ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Баъзилари ҳиқилдоқ ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга. Аммо уни жойлаштириш ҳаракатини тўғри ўзлаштиришни мақсад қилиб қўймайдилар. Яна бир хонандалар гуруҳи (улар камроқ) ҳиқилдоқнинг куйлаш пайтидаги ўзига хос ҳолатини эгаллаб туришга ҳаракат қиладилар. Опера хонандалари фикрларининг турлилиги вокал педагогикасига ўз таъсирини кўрсатади. Вокал педагогларининг услублари ҳам бу масала бўйича турлича. Ҳиқилдоқ жойланиш ҳолати ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас ва у ҳақида умуман ўйлаш керак эмас деган ўқитувчилар сони кам эмас. Унинг ҳолати доимо паст бўлиши шарт ва бундай ҳаракатларни амалга ошириш лозим деган ўқитувчилар ҳам бор.

XX асрнинг 50-йилларида рус олими ва педагоги Л.Б.Дмитриев рентген расмлари ёрдамида 50 та профессионал опера хонандаларини текшириб чиқди ва 1000 дан ортиқ рентгенограммаларни тайёрлади. Ушбу рентгенограммалар ҳиқилдоқнинг тинч ҳолати, нутқда ва узун ноталарни куйлаш пайтида олинган. Л.Дмитриев тадқиқотлари натижасида ҳиқилдоқ ҳолати товуш тури билан боғлиқ, деган хулоса чиқарилди. Негаки, барча бас ва баритон овозлари куйлаш пайтида ҳиқилдоқ ҳолатини пасайтирсалар, қолган лирик ва лирик-колоратурали сопрано овозлар ҳиқилдоқ ҳолатини кўтардилар ёки уни тинч ҳолатида тутиб турадилар. Бирок драматик тенор ва меццо-сопрано ижролари кузатилганда ҳиқилдоқ ҳолатлари турлича бўлиб, ҳиқилдоқнинг ҳолати товушдан ташқари яна нимагадир боғлиқ эканлигига дуч келди. Профессинал, овози яхши қўйилган хонандаларнинг ҳиқилдоғи бутун диапазонда барча унлилар айтиш пайтида ўзига хос ҳолатни эгаллайди. Бу махсус ҳолат ҳиқилдоқнинг ҳам, нутқнинг ҳам тинч ҳолатидан фарқланади. Аммо бундай аниқ ҳолат турли овозларда турлича. Ҳиқилдоқнинг ҳолати ўзгариши натижасида қандай ўзгаришлар бўлади, деган савол туғилиши мумкин. Энг муҳими – оғиз-ҳалқум бўшлигининг шакли ва узунлиги ўзгаришидадир. Ҳиқилдоқ кўтарилганида бу канал қисқаради ва шу билан бирга оғиз-ҳалқум бўшлиғи кичраиб қолади. Ҳиқилдоқ ҳолати пасайтирилса, ушбу бўшлиқ катталашади. Ҳиқилдоқнинг фаол ҳаракатланиши ҳаммага маълум. Тадқиқотлар натижасида ҳиқилдоқ ҳолати 7-8 см гача ўзгариши мумкинлиги аниқланди. Демак, оғиз-ҳалқум каналининг қисқариши ёки узунлашиши 3,5-4 см гача бўлиши мумкин (11, 12-расм). Бу маълумотларга

асосланган ҳолда, ҳар бир овоз тури куйлаш пайтида ўзи учун қулай бўлган оғиз-халқум канали узунлигидан фойдаланади, деган хулоса чиқарилди. Албатта, гап шунчаки оғиз-халқум канали узунлигида эмас. Гап шундаки, ушбу канал узунлиги ўзгариши оғиз-халқум бўшлиғининг ўзгаришига олиб келиши ва товуш бойламлари устида ҳосил бўладиган босимдадир. Бундай ҳолатни топиш хонандаларда кўпроқ овоз устида ишлаш жараёнида онгсиз равишда амалга оширилади. Лекин бундай натижага онгли равишда ҳам эришиш мумкин.




№1



№2

11-расм. Л.Б.Дмитриев таджикотларидан: Большой театр солистларининг (№1 – меццо-сопрано; №2 – баритон) нутқ ва куйлаш пайтидаги ҳикилдоқнинг ҳолати. Ҳар бир расмнинг юқори каторида тинч ва нутқдаги учта унли айтилганида ҳикилдоқнинг ҳолати. Товуш бойламлари қора ранг билан кўрсатилган. Ҳар бир схемадаги чизик ҳикилдоқнинг тинч ҳолатини кўрсатади; ўрта ва паст каторларида барча унлиларни энг юқори нотада куйлашда ҳикилдоқнинг ҳолати. Схемаларда ҳикилдоқнинг нутқ ва куйлаш пайтидаги ҳолатлари бир-бирига тўғри келмайдигани (нутқда – балаид, куйлашда – паст ҳолати), профессионал хоинданнинг куйлаш пайтида барча унлиларда ҳикилдоқнинг ҳолати бир хиллиги аниқ кўриниб турибди.



12- расм. Куйлашда ҳиқилдоқнинг ҳолати. Г.Гаспарянда нутқдан куйлашга ўтганида, унинг ҳолати айнан юқори нотага кўтариллади. Е.Шумскаянинг ҳиқилдоғи ҳолати ўзгариши озгина. З.Долуханованинг ҳиқилдоғи бироз туширилади, И.Петровники эса анча паст.

Маълумки, турли овоз соҳибларининг ҳиқилдоқлари катта-кичиклиги билан фарқланиб туради. Аёлларники эркакларникидан кичикроқ, бас овозларники эса тенорларникидан каттароқ. Худди шу нарса товуш бойламларининг узунлигига тегишли. Овоз тури товуш бойламларининг узунлигига ўзаро боғлиқлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Албатта, мустасносиз қоида ҳеч қачон бўлмайди, лекин сонлар жадвалида бундай ўзаро боғлиқликни кўриш мумкин.

Куйлаш пайтида товуш бойламлари ва оғиз-халқум каналининг узунлиги (сантиметрда) жадвали

Овоз тури	сопрано	меццо-сопрано	тенор	баритон	бас
Товуш бойламлари узунлиги	1,4-1,9	1,8-2,1	1,8-2,2	2,2-2,4	2,4-2,5
Куйлаш пайтидаги оғиз-халқум каналининг узунлиги	15,3-18,5	16,7-18,8	19,0-22,0	21,5-24	23,3-25,0

Л.Дмитриев ўз тадқиқотлари давомида товуш бойламлари ва оғиз-халқум канали узунлиги орасида ўзаро боғлиқлик 1:10 пропорционалда эканлиги ҳақида хулосага келади.

Профессионал хонадалар ижросидаги барча унли товушлар бутун диапазонда ҳиқилдоқ ўзининг доимий ҳолатини эгаллаб туради. Бу ўзига хос ҳолатни ҳиқилдоқнинг тинч ҳолатидан паст даражада, тинч ҳолат даражасида ёки тинч ҳолатдан юқори бўлиб, ҳамиша яқка ижрочиға хос равишда рўй беради.

Ҳиқилдоқ ҳолати тури услуб орқали мустаҳкамлаштириш мумкин. Биринчи йўл – овоз тембри, унинг «ранги» ўзгартирилиши билан. Овоз янграшининг тўқлиги ҳиқилдоқнинг пасайишига, овознинг ёрқинлиги эса ҳиқилдоқнинг кўтарилишига ёрдам беради. Иккинчи йўл – фонетик услуб, яъни унлилар орқали овозга таъсир қилиш. Овозни кўпроқ «и» ҳарфли машқларида тарбияласа, ҳиқилдоқ баландроқ позицияни эгаллайди, «у» ҳарфи эса акс ҳолат ҳосил бўлишига олиб келади. Яна бир услуб – эснашдан фойдаланиш. Чуқур эснаш бас ва баритон паст овозларга фойда беради. Баланд овозлар учун эса энгил эснашдан фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳиқилдоқнинг ички мушаклари ҳаракатларини ҳар бир киши сезиши мумкин. Бундай сезги нафас тўхтатилганида, кучайганида, йўталишдан олдинги ҳолатда онгли равишда товуш бойламларини бир-бирига яқинлаштирганда билиш мумкин. Куйлаш пайтида профессионал хонадаларнинг устки бойлам бўшлиғи ўзгарувсиз бир ҳолатда бўлади. Шунда ҳиқилдоққа кириш ҳиқилдоқ қопқоғи энгашгани сабабли тораяди. Бу ҳолат овоз ҳосил бўлиши учун катта қулайлик яратиб беради (13-расм). Сабаби – ўшанда устки бойлам бўшлиғида импеданс, яъни пастдан келадиган ҳаво кучиға қарши

бўладиган босим яратилади. Бу эса ўз навбатида овоз аппарати ишини анча енгиллаштиради.



13-расм. Профессионал (юқори қатор) ва непрофессионал хонандаларнинг (паст қатор) куйлаш пайтидаги устки бойлам бўшлиғининг шакли. Непрофессионал хонандаларнинг ҳиқилдоққа кириш кенглиги аниқ кўринмоқда. 1 – ҳиқилдоққа кириш; 2 – чўмичсимон тоғай; 3 – ҳиқилдоқ қопқоғи; 4 – товуш бойламлари; 5 – кекирдак; 6 – устки бойлам бўшлиғи.

Куйлашда талаффуз аппаратининг иши

Вокал санъати – мусика ва адабий поэтик ижодиётини бирлаштирувчи санъатдир. Ашулачиликда чиройли профессионал даражадаги овоз янграши билан аниқ талаффуз ҳам талаб қилинади. Аниқ талаффуз техникасига эга бўлиш вокал ижрочилигининг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Талаффузда турли органлар иштирок этади: тил, лаблар, юмшоқ танглай, халқум ҳамда остки жағ. Талаффуз аппаратининг асосий органи тилдир. Тилнинг мускулатураси ҳар томонлама ривожланган, шунинг учун унинг ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлиги жуда катта. Оғиз-халқум бўшлиғида тил ҳолатининг ўзгариши оғиз ва халқум бўшлиқларининг ўзгаришига олиб келади. Тил орқага сурилиб паст ҳолатни эгаллаганида халқум бўшлиғи қисқаради, оғиз бўшлиғи эса кенгаяди. Тил тепага кўтарилиб олдинга чиқарилса акс ҳолат ҳосил бўлади.

Тилнинг илдизи тил ости суягига боғлангани учун унинг ҳаракатлари ҳиқилдоққа таъсир қилади. Шу сабабли ашулачилик жараёнида тил катта аҳамиятга эга. Тил ундошларнинг кўпида ва барча унлилар айтилишида иштирок этади, шунинг учун тил шол бўлиб қолса ёки олиб ташланса одамда нутқ қобилияти бутунлай йўқолади. Тилнинг «классик» ҳолати ҳақида фикр мавжуд. Шундай ҳолатда тилнинг чўққиси паст тишларга тегиб, ўрта қисми эса қошиқ шаклидаги чуқурликни ушлаб туриши керак. Ушбу классик ҳолат «а» ҳарфида ҳосил бўлади. Аммо нутқимиз турли ҳарфлардан иборат, шунинг учун сўзлаганда бу ҳолат албатта ўзгаради. Л.Б.Дмитриев тадқиқотлари профессионал куйлашда тилнинг классик ҳолати бўлиши шарт эмаслигини кўрсатди. Мисол учун, Титто Руффо ёки Фёдор Шаляпин куйлаганида уларнинг тили кўтарилган ҳолатида бўлиб тилнинг чўққиси титраб турар эди. Буюк италиян хонандаси Тотти дал Монте шундай деган: «Тилни атайлаб махсус классик ҳолатга ётқизиш шарт эмас. У табиий, эркин ва юмшоқ бўлиши зарур».

Нутқ пайтида лаблар ҳар бир унли учун ўзига хос ҳолатни эгаллайдилар. «И» ҳарфида лаблар тортилиб тишларни кўрсатади, «у» ҳарфида эса олдида чўзилади. Куйлаш пайтида лаблар стандарт позицияни эгаллайди. Ушбу стандарт позиция кўпроқ овоз турига боғлиқ бўлади. Сопрано ва энгил тенорлар куйлашда табассумдан фойдаланадилар, бас, баритон ва меццо-сопранолар эса лабларини олдинга тортадилар. Лабларнинг бундай стандарт позицияни эгаллаши овознинг тембри ўзгаришига олиб келади. Овознинг эркинлиги ва энгиллиги табассум орқали ҳосил бўлади. Лабларнинг олдинга тортилиши эса овознинг тўқлиги, «гўштлиги»га олиб келади. Аслида лаблар ҳолатини овознинг энг яхши сифатлари ҳосил бўлишига асосланган ҳолда топиш керак.

Ашула айтиш пайтида юмшоқ танглай бурун-халқум бўшлигини тўсадиган пардадир. Юмшоқ танглайнинг ҳаракатланиши масаласига турли ёндашувлар мавжуд. Баъзи педагоглар уни фаол кўтарилишини, бунинг учун айниқса юкори ноталарни олишдан олдин эснашни талаб қиладилар. Бошқалар эса «ярим эснаш» ҳақида сўз юритиб эснашнинг юмшоқлигига аҳамият берадилар. Бу масала бўйича ҳам ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш лозим, чунки ҳар бир хонанданинг овоз аппарати тузилиши турлича. Бирида юмшоқ танглай узун бўлса, бошқасида қисқа бўлиши мумкин ва шунга қараб овоз сифатлари ҳам ҳар хил бўлади.

Халқум талаффуз аппаратининг энг ўзгарувчан қисми деб ҳисобланади. Унинг ҳажми тил ҳаракатлари орқали ўзгаради. Профессинал хопандалар доим халқумнинг «эркин»лиги, «очик»лиги ҳақида гапирадилар. Бундай сезгилар фақат овоз аппаратининг иши тўғри бўлган пайтида пайдо бўлади. Унинг эркинлигини нафас олиш пайтида сезиб, куйлаш вақтида сақлаб қолиш билан ривожлантириш мумкин.

Остки жағнинг қисилиши бошланғич хонандаларининг энг кенг тарқатилган хатоси. Жағнинг қисилганлиги овознинг қисилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун остки жағнинг юмшоқлигига ва эркинлигига катта аҳамият бериш керак. Оғизнинг очилишига педагогларнинг қарашлари бир-биридан фақланади. Баъзилар оғизни катта очилишини талаб қилсалар, бошқалари «оғзингни катта очма, айниқса юқори ноталарни айтганингда», дейишади. Оғизнинг очилишини ҳам овознинг энг яхши хусусиятлари ҳосил бўлишига қараб ўқувчидан талаб қилиш лозим.

Товуш ҳосил бўлиш назариялари

200 йилдан бери товуш ҳосил бўлишнинг миозластик (пай-эластик) назариясига амал қилинмоқда. Бу назариядан келиб чиқиб, товуш бойламлари етарли даражада бир-бирига бирлашгани ва уларнинг остидаги ҳаво босими кўтарилгани товуш ҳосил бўлиш омили сифатида қаралиши мумкин. Бу назарияга асосан товуш бойламлари тебраниши икки хил куч таъсирида юзага келади; ҳаво кучи ва товуш бойламлари эгилувчанлик кучи таъсирида. Товушни юзага келтириш учун уларга фақат маълум топус бериш ва уларни яқинлаштириш керак, бойламларнинг тебраниши остки бойлам босими таъсирида пассив ҳолатда амалга оширилади.

1950 йилда француз олими Р.Юссон ўзининг «Ижрочилик товушини физиологик ва акустик ҳодисаларининг асосий тадқиқотлари» номли диссертациясида янги нейроронаксик назарияни илгари суради. Бу назарияга мувофиқ бойламлар остки бойлам босимисиз асаб томирлари уйғониши таъсирида марказий нерв системаси тизимидан ҳиқилдок ости асаб толаларига ўтиб тебраниши мумкин. Юссон бойламларга юбориладиган уйғониш импульсларининг тебраниш тезлиги ҳиқилдокда ҳосил бўладиган асосий тон тебраниши тезлигига тўғри келади, деган фикрни олға суради.

А.Лосев «Товуш ташкил этиш назарияси ҳақида»ги ишида нутқий ва ашулчилик товуши ҳосил бўлишини бошқаришнинг бир мунча қулай назариясини ишлаб чиқиб, уни модуляция назарияси деб атади. Ушбу назария миоэластик ва нейроронаксик назарияларнинг асосий ҳолатларини ўзида мужассамлаштирган.


7-БОБ. КУЙЛАШ МАЛАКАЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ. РЕГИСТР ТУШУНЧАСИ. ОВОЗ АППАРАТИНИНГ РЕЗОНАТОРЛАРИ

Регистрлар


«Хонандалик овози регистри» деганда ягона физиологик механизм бирлигидан вужудга келувчи товушлар қатори тушунилади. Эркак ва аёл овозларининг регистр тузилиши турлича: эркаклар овози икки регистр – кўкрак ва фальцетли регистрларга ҳамда бир маротаба ўтишга эга. Аёллар овозлари эса уч регистр – кўкрак, аралаш ва бош ҳамда шунга мувофиқ равишда икки маротаба ўтишга эга бўлади. Аёллар ва болаларда аралаш регистр табиатан мавжуд. Шунинг учун баъзида аёл педагоглар эркак мускулларининг ишлашипи тушунмасликлари мумкин.

Кўкрак регистрда ўттиш ноталарнинг пастида овоз яхши жараиғлайди, кучли ва «гўштли» бўлади. Шунда хонанданинг сезишича овоз кўкракда жаранғлайдиган бўлади. Регистрнинг номи шв сезгидан келиб чиққан. Ўттиш ноталари субъектив равишда нукулай бўлиб, одатда уларпи хонанда кўкрак ва фальцет регистрда олиши мумкин. Тажрибасиз хонанданинг фальцетли регистри жуда паст кучда янғрайди. Фалцетли жаранғдорликда бош суяклари тебраниши туфайли уни «бош овози» деб ҳам номлашади.

Кўкрак регистрда товуш бойламлари бир-бирига жипслаша боради ва ўзининг бутун йўғоплиги билан тебраниб туради (14-расм). Бу бир-бирига жипслаша бориш ўз навбатида йўгон, жаранғдор, кучли товуш ташкил этади. Бунинг учун кам нафас сарфланади. Фальцетли регистрда товуш бойламларининг фақатгина чети тебранади ва уларнинг орасида дуксимон ёрик пайдо бўлиб, ундан ҳаво бемалол ўтиб туради. Шунинг учун ҳам фальцетли товушлар «пуфлаш» характериға эға бўлиб, обертон жиҳатидан бўш ва кучсиздир.



КЎКРАК ОВОЗИ ФАЛЬЦЕТ



14-расм. Эркак овозининг (тенор) регистрлик тузилиши. Нота қаторининг чап томонида – кўкрак регистр, ўнг қаторида – фальцет(бош) регистри; *фа-фа-диез*-ўтиш ноталари. Пастида – ларингоскоп ёрдамида кўринган куйлаш пайтида кўкрак ва фальцет регистрларида ҳикилдоққа киришнинг кўриниши. Фальцет регистрда чўмичсимон тоғайлар жипслашиб тургани билан товуш бойламларининг орасида тешик қолгани кўриниб турибди. Кўкрак регистрда эса товуш бойламлари бир-бирига яхши жипслашган. Энг пастда товуш бойламларининг иши (томограмма асосида). 1 – ёлгон товуш бойламлари; 2 – морган ошқозончалари; 3 – ҳақиқий товуш бойламлари; 4 – кекирдак йўли.

Опера хонанданинг профессионаллигига ўз ижроси давомида бир маромликни таъминловчи тўлиқ икки октавали овоз диапазонида эга бўлиши қиради. Бир маромга эришиш учун товушни «ёпиш» зарур. Товушни ёпиш оғиз-халқум каналида импеданс (қаршилиқ) ташкил этиш тушунчаси билан боғлиқ. Бу импеданс юқори регистрдаги товушларни ташкил этишда кучли остки бойлам босимини бир меъёрга келтирувчи, товуш бойламларининг ишини амалга оширишда енгиллаштирувчи омил бўлиб, ўзига ҳикилдоқнинг маълум юқини олади.

Эркак овозлари диапазонинг юқори қисмини беркитиш XIX аср

Ўргаларида вужудга келди. Бу ўша даврнинг Ж.Верди, Р.Вангер ва бошқа композиторларнинг опера асарларидаги талабга мувофиқ равишда юзага келди. Франциялик машхур тенор Жильбер Дюпре «voix mixte sombre» (ёпик аралаш товуш) деган услубни амалиётга тадбиқ этди, бу эса унга овоз диапазонининг юқори қисмида кучли, жарангдор ва равонликни таъминлади.

Товуш регистрлари текислиги ривожланишининг асосий қоидаси – бу товуш бойламлари майин ишлаётганида диапазон марказида табиий оҳангни топа билишдир. Бунинг учун қуйидагилар фойдали: товушнинг меъёрий кучи, товуш хужуми(атакаси)нинг майинлиги, нафаснинг юмшоқлиги, импедансни кучайтирадиган о,у ҳарфларидан фойдаланиш, нафас таянчини яхши сақлай билиш.

Юқори ноталарни ривожлантиришда ўрта регистрни яхши микстлаб (аралаштириб), ҳеч нарсани ўзгартирмасдан юқори ноталарни олиш принципига асосланган ҳолда амалга ошириш мумкин. Аралаш типдаги товуш чиқаришни ривожлантиришда мазкур овоз тури ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш зарур.

Масалаи, кўкрак қафасининг яхши жарангдорлиги бас овозлар учун характерли бўлгани учун, айнан унинг афзаллигини эътиборда тутмоқ зарур.

Аёл овозлари регистрлар тузилишининг эркак овозларига нисбатан асосий фарқи шундаки, аёллар овози диапазоннинг марказий қисмида табиатан аралаш регистри мавжуд (15-расм). Паст овозли аёллар овозларида марказдан пастга қараб кўчишни ўзлаштиришнинг асосий принципи: аралаш товуш чиқаришни аста-секин пастга қараб кўчириш ва соф кўкрак регистрда бош резонанцияни сақлаб қолиш.

Бош ва кўкрак резонаторлари

Вокал педагогикасида бош ва кўкрак резонатори тушунчаларидан кенг фойдаланадилар. Таранг деворлардан иборат ҳаво ҳажми резонатор деб ҳисобланади. У ўз оҳанги ёки обертонига мос келадиган маълум частотали товушга акс-садо беради.

Яхши бош резонаторга эга бўлган товуш жарангдор, ёрқин ва «темирсадо»ли бўлади. Кўкрак резонаторли овоз эса – йўғон ва «гўштли» бўлади.

Аёллар балад овози

СОПРАНО

Кўкрак регистри Аралаш регистр Бош регистр

Драматик сопрано Ўтиш ноталари Ўтиш ноталари Колоратур сопрано

Detailed description: A musical staff in treble clef showing a soprano vocal line. The staff is divided into three sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G4 to G5 and is associated with 'Драматик сопрано'. The second section, labeled 'Аралаш регистр' (Mixed register), contains notes from G5 to B5 and is associated with 'Ўтиш ноталари'. The third section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from B5 to G6 and is associated with 'Ўтиш ноталари' and 'Колоратур сопрано'.

Аёллар паст овозлари

МЕЦЦО-СОПРАНО

Кўкрак регистри Аралаш регистр Бош регистр

Ўтиш ноталари Ўтиш ноталари

Detailed description: A musical staff in treble clef showing a mezzo-soprano vocal line. The staff is divided into three sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G4 to G5. The second section, labeled 'Аралаш регистр' (Mixed register), contains notes from G5 to B5 and is associated with 'Ўтиш ноталари'. The third section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from B5 to G6 and is associated with 'Ўтиш ноталари'.

КОНРАЛЬТО

Кўкрак регистри Аралаш регистр Бош регистр

Ўтиш ноталари Ўтиш ноталари

Detailed description: A musical staff in treble clef showing a contralto vocal line. The staff is divided into three sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G4 to G5. The second section, labeled 'Аралаш регистр' (Mixed register), contains notes from G5 to B5 and is associated with 'Ўтиш ноталари'. The third section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from B5 to G6 and is associated with 'Ўтиш ноталари'.

Эркаклар балад овози

ТЕНОР (бир октава паст эштилиди)

Кўкрак регистри Бош регистр

Ўтиш ноталари

Detailed description: A musical staff in treble clef showing a tenor vocal line. The staff is divided into two sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G4 to G5. The second section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from G5 to G6 and is associated with 'Ўтиш ноталари'.

Эркаклар паст овозлари

БАРИТОН

Кўкрак регистри Бош регистр

Ўтиш ноталари

Detailed description: A musical staff in bass clef showing a baritone vocal line. The staff is divided into two sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G3 to G4. The second section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from G4 to G5 and is associated with 'Ўтиш ноталари'.

БАС

Кўкрак регистри Бош регистр

Ўтиш ноталари

Detailed description: A musical staff in bass clef showing a bass vocal line. The staff is divided into two sections by brackets. The first section, labeled 'Кўкрак регистри' (Chest register), contains notes from G2 to G3. The second section, labeled 'Бош регистр' (Head register), contains notes from G3 to G4 and is associated with 'Ўтиш ноталари'.

15-расм. Аёл ва эркак овозларининг регистрлик тузилиши.

Бош резонаторлар – танглай мажмуаси юқорисида гумбаз бўлиб, бош суякларининг юз қисмида жойлашган. Бош резонатор тушунчасига кирувчи барча коваклар суяк ва тоғайли деворларга маҳкамлангани учун ҳам ўз ҳажмини ҳамда резонаторлик хусусиятларини ўзгартиришга мойил эмас. Буруннинг энг катта кўшимча бўшлиғи – гаймор бўшлиғининг диаметр ўлчами 3 см бўлиб, 3000 гц частотасига, яъни юқори ашулачилик формаптасига резонанс беради. Шунинг учун резонаторга «тушган» товуш – тўғри шаклантирилган оҳангдир. Бирок бу бош резонатор товушнинг яхши жарангдорлигига бош омил ҳисобланади дегани эмас. Бош резонатор ҳиқилдоқдан чиқаётган ва ўзида кўплаб юқори обертонларга эга бўлган товуш мавжуд бўлганида жавоб беради. Хонандалардаги бош резонаторни сезиш жойи турлича: бировларда у «маска» соҳасида, бошқаларда – юқори тишларнинг олд қисмида, учинчисида – пешона бўшлиғида, тўртинчисида – бошнинг тепа қисмида ва қаттиқ танглай соҳасида бўлади. Овознинг вибрация жойи товушнинг кўтарилиши билан ўзгариб туриши мумкин.

Бош жарангдорликни ҳис этишга ундовчи услублар мавжуд. Бу услублар «м» ва «п» ундошларини куйлаш билан боғлиқ. Бу услубни «замзама» деб номлашади. Таркибида 3000 гц обертонларига доимий эга «и» унлисидан фойдаланиш, қаттиқ ҳужум (атака) ёки нафас таянчи фойдаланиш бойламларни кўшилишини фаоллаштиради.

Кўкрак резонаторларига нафас йўллари, яъни кекирдак ва бронхлар киради. Кекирдак 15 см дан иборат бўлиб, тахминан 500 гц частотага резонанс беради. Айнан шу частота овозга йўгонлик, «гўштлик» ва кўкрак колоритни ҳосил қилиб беради. Товуш бойламлари кўкрак тури бўйича ўз тебранишида ишласа кўкрак жарангдорлиги ғоятда кучли бўлади, шунингдек кўкрак резонаторлари фақат яхши ифодаланган паст частотали товушларга жавоб беради. Кўкрак резонаторининг аҳамияти бош резонаторникига ўхшайди. Хонанда кўкрак резонанция бўйича фонацияни назарда тутса товуш бойламлари иши енгиллашади.

Бош ва кўкрак резонаторларининг бир вақтда жаранглаши товуш бойламларини қоришиқ ҳолда тебранишига олиб келиб парда синишини ҳис қилмай, текис овоз билан барча диапазонда куйлашга имкон беради.

Фақат бош ёки фақат кўкрак жарангдорлигини оширишда товушни инкирозга олиб бориши мумкин. Бош жарангдорликни

ошириб бориш аста-секин товушларни қискартирилишига, овознинг ингичкаланишига, товушнинг тўлақонли чиқмаслигига олиб келади. Кўкрак жарангдорлигидан нотўғри фойдаланиш товушни огирлаштириб, регистрларнинг ўтиш жараёни сезилиб, товуш тебраниши кенгайиб чуқурлашишига, детонация юзага келиб, юқори ноталар йўқолишига олиб келади.

8-БОБ. ТОВУШ ҲУЖУМИ (АТАКАСИ). ТОВУШ ТАЯНЧИ ТУШУНЧАСИ. ВОКАЛИЗАЦИЯ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳужум – бу товуш пайдо бўлишидир. Товуш ҳужумининг уч тури мавжуд – қаттиқ, юмшоқ ва олдин нафас товуш ҳужуми.

Қаттиқ ҳужум орқали аввал товуш бойламлари мустақкам жипслаша бориб, фақат шундан кейингина бойлам ости босимининг кўтарилиши уларни кучли туртки билан очиб юборади. Ҳужумнинг бундай тури товушга аниқлик, ёрқинлик ато этади, овозда аниқ интонация пайдо бўлади. М.Гарсиа «Ашула мактаби» китобида ҳужумнинг бу турини *coup de glotte* – ҳикилдоқ зарби деб, бу ҳужум ушбу мактабнинг асосини ташкил этади. Қаттиқ ҳужум бошланғич хонандаларни тарбиялашда жуда фойдали ҳисобланади. Бунда нафаснинг ортиқча «окиб кетишига» йўл қўйилмайди. Ҳикилдоқ иши бўшашганликка эга бўлиб, шу билан бирга қаттиқ ҳужум бойламларини бир-бирига маҳкам жипслашган ҳолда товуш ташкил этишга ўргатади. Бу ҳолатда нафас ишлатилмасдан ўтиб кетиши мумкин бўлмайди, негаки товуш нафасга таянган ҳолда ҳосил бўлади. Бироқ қаттиқ ҳужумдан нотўғри ёки фақат ундангина фойдаланиш мумкин эмас, чунки у товушни қисилиб, қаттиқ бўлишига олиб келиши мумкин. Қаттиқ ҳужумдан айрим асарларда ифода воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Товуш ҳужумларини ривожлантиришда овозни **юмшоқ ҳужумда** тарбиялаш яхши натижаларга олиб келади. Юмшоқ ҳужумда нафас ва товуш бойламлари бир вақтнинг ўзида ишга киришади ва аниқ мувофиқлашади. Юмшоқ ҳужум овознинг майин, турткисиз ҳосил бўлишига, соф оҳангланишига ёрдам беради. Агар ўқувчининг ҳикилдоғи бўгилишдан холи бўлса ҳамиша юмшоқ ҳужумдан фойдаланиш тавсия этилади.

Хужумнинг учинчи тури – олдин нафас хужуми. Бунинг учун аввал нафас юборилади ва кейин товуш бойламлари суст холда ишга қўшилиб боради. Бундай хужумда товуш кўтарилишига мойиллик сезади, яъни товуш ҳосил бўлишидан олдин глоссандо пайдо бўлади. Хужумнинг бу тури сикилиб чиқадиган овозлар учун жуда фойдали ҳисобланади. Товуш бойламлари ҳикилдоқдан ўтаётган нафас оқими натижасида ишга тушади, шунинг учун улар маҳкам ёпилишга имкон топмайди ва товуш бўгилиш характериға эға бўлмайди. Бирок олдин нафас хужумини узоқ муддат кўллаш ҳам зарар етказилиши, куйлашда нотаға нисбатан кўтарилишни юзаға келтириши мумкин. Бундан ташқари тембр тоза ва равонлигини йўқотиб, унда шовқинли товушлар пайдо бўлиши мумкин. Қаттиқ хужум каби олдин нафас хужуми ҳам ифода воситаси сифатида амалға оширилиши мумкин.

Товуш таянчи тушунчаси

Овоз таянчи ҳиссиётида ашулачилик товушини ташкил этишда тўғри таянч бўла оладиган ўзига хос ҳиссиётни туйиш мумкин. Таянч ҳисси – субъектив туйғу бўлгани учун турли хонандалар уни турлича тушунадилар. Баъзи бировлар корин ости мускуллари ва танглай мажмуини таянч деб билувчилар, уни ўзига хос ҳаво столблари сифатида ҳис этадилар. Бошка бировлар таянчни нафас чиқариш мушакларининг маълум бир қаршилиқ даражаси деб қабул қиладилар. Яна бировлари эса ҳикилдоқ даражасида ҳис этиб, бойлам ости босимиға товуш бойламлари қаршилиқ даражаси деб қарайдилар. Олдинги тишлар ёки танглай мажмуидаги товуш таянчи деб тушунадиганлар ҳам бор.

Таянч ҳиссиёти товуш ҳиссиёти каби мураккаб ҳиссиётлар синфиға мансуб. Унинг таркибиға бойлам ости босими ҳисси, нафас олиш ва ҳикилдоқ мушакларининг таранглиги ҳисси ва вибрация ҳиссиётлари қиради.

Овоз ташкил этиш таянчиға ундовчи бир қатор усуллар мавжуд. Товуш чиқармасдан олдин нафасни тутиб туриш умум қабул қилинган усул саналади. Шунингдек, қаттиқ хужум ҳам таклиф этилади. Ўз ҳаракати орқали толиқиш ва нолишни ҳис қилиш билан боғлиқ усул бир мунча фаол ва бир мунча кўпол бўлади. Хонандаға қулай таянч ҳиссини топиш товуш аппарати ишида енгиллик ва чидамлилиқ яратади. Унга товуш нимағадир таянгандай сезилади. Бу

ҳиссиёт унга овозни яхши бошқара олиш имконини беради ва узоқ куйлаш давомида чарчоқни сездирмайди. Таянч йўқотилгач, ҳикилдоқда бирдан чарчоқ сезилади, товуш «ҳикилдоққа ўтириб қолади», турли хил нуксонлар юзага кела бошлайди; товуш титраши, диапазон қисқариши ва шу каби непрофессионал товуш пайдо қилиш омили юзага келади.

Таянч ҳисси тўғри товуш ташкил этишни ўзлаштириш жараёнида ривожланиб боради. Вокал билан шуғулланиш дарсларининг бошида бу ҳиссиёт асосан бўлмайди. Овоз устида ишлаш жараёнида у аста-секин пайдо бўла бошлайди, товуш ташкил этиш тўғри йўлга қўйилганда ва мустаҳкамланганда таянч ҳисси аниқ шакллана бориб, маълум хонандага хос туйғуга айланиб, уни ҳамма вақт мустаҳкамланиб боришига имконият яратади.

Вокализация турларини ривожлантириш

Хонанда вокал техникасини ўзлаштириш жараёнида ашулачилик хилма-хил турларини ўрганиб бориши керак. Замонавий опера-концерт репертуари мавжуд вокал-техник воситаларнинг барча захираларини тўлиқ эгаллашни талаб этади, негаки хонандалар турли репетуарларни катта мумтоз ашулалардап то замонавий бастакорларнинг кўшиқларигача куйлашига тўғри келади.

Куйлашда овозни ўрганишнинг асосий тури **кантилена** бўлиб, шунингдек куйлаш билан боғлиқ майинлик, товушдан товушга ўтадиган куйчанлик ҳисобланади. Кантилена барча миллий ашулачилик мактабларининг асоси, деб ҳисобланади. Бироқ *legato* куйлашда кантилена характерини тўлиқ очиб бермайди. Кантилена – овознинг куйчанлиги – албатта овозда эркинлик мавжудлигини талаб қилади. Вибрато (яъни овознинг тебраниши) мавжудлиги овозга кантилена, текис-равонлик хусусиятини таъминлайди. Фақат тўғри қўйилган ашулачилик овози вибраторга эга бўлиши мумкин. Зўриктирилган, нафасдан олиб ташланган ёки қисилган овоз кантиленага эга бўла олмайди. Демак, куйлашда кантиленага эга бўлиш бевосита тўғри товуш ҳосил қилиш билан боғлиқ.

Куйлаш билан боғлиқ бошқа тур – товушнинг мажбурий **portamento** сирғалишини, унинг юқорига ва пастга қараб глиссандоли куйлашни билдиради. Portamento вокал услуби сифатида қўлланилади ва муаллиф томонидан махсус белгиланади. Агар portamento усул ижроси қийинчилик тугдирса, нутқ хайратлапиш интонацияси

(юкорига portamento), тасдиклаш интонацияси (пастга portamento) устида машқ қилиш фойдали бўлиб, сўнгра эса мазкур туйғуни сақлаган қайси бир интервални куйлаш таклиф этилади. Бошқача усул – товушлар ораснда хроматик гаммалар мавжудлигини кўз олдига келтириб, тез ҳаракатлар билан куйлаш лозим.

Овоз бошқаришнинг бошқа тури – чакқон тез суръатда, яъни **колоратура** техника билан куйлай билиш ҳисобланади. XVII аср иккинчи ярми ва XVIII аср – *bel canto* давридаги асарларнинг аксарияти колоратура асосига қурилиб, у барча тур овозларга мажбурий ҳисобланган. XIX асрда Россинидан кейин гарб мусиқасида колоратура аёлларнинг юқори товуш ижроси учунгина қўлланила бошланди.

Колоратура техникасини ўзлаштириш барча турдаги овозлар учун зарур. У махсус таилаб олинган машқлар ва овозни вояга етказиш учун вокализлар орқали ривожланиб боради. Тез ҳаракатланишни ўрганишнинг асосий принципи – машқнинг ўзига хослиги сифатида вокал топшириқларини аста-секин мураккаблаштириб бориш қўлланилади.

Интонациянинг софлигини, ҳужумнинг аниклигини ва барча ноталарда куйлашни мунтазам кузатиб бориш керак. Аввал кичик гаммаларни, арпеджио йўлларини, форшлаг ва группеттолари ўзлаштириш лозим бўлади. Колоратура техникаси устида ишлаш – ҳикилдоқ учун ўзига хос гимнастика ҳисобланади. Чакқон тезлик техникаси устида ишлай бориб, хонанда диапазонининг ривожланишини энгиллаштиради. Бундан ташқари колоратура зўриқтиришга қарши курашиш учун фойдалидир.

Колоратура техникасининг энг мураккаб турларидан бири **трел** ҳисобланади. Ёзувда у *tr.* деб кўрсатилади. Трел деганида кичик ёки катта секунд оралиғида икки товушнинг бир-бири билан тез алмашуви тушунилади. *Bel canto* даврида трелга эга бўлиш барча тур овозлар учун мажбурий ҳисобланган. Ўша даврда унинг саккиз хил кўриниши мавжуд бўлган. Трел ҳикилдоқнинг яхлит тебранишида амалга оширилган ҳамда юқори ва паст товушлар тугилишидаги юқори ва пастга кенгайган вибраторни жуда ҳам эслатиб туради. Трел ҳикилдоқнинг эркинлиги ва ўзгарувчанлигини яна ҳам катта даражада ишлаб чиқади, уни эластик ва таранг қилади. Трелни ўзлаштиришда ашулачилик нафаси ҳам яхши ривожланиши мумкин.

Барча тур товушлар учун мажбурий вокал техникаси турларидан бири товушни **филировка** қилиш ҳисобланади. Фили (*Fil* – ип – фр.)

номининг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, у товуш кучини ўзгартиришга эга бўлиб, товуш ипига ўхшаб уни аранг эшитилиш даражасига келтириб қўяди. Бу товуш динамикасини равонлик билан фортедан пианога ва пианодан фортега томон ўзгартира олади. Филировка қилиш ашулачилик товушини ташкил этишининг аъло даражаси намунасидир.

9-БОБ. ЎҚУВЧИНИНГ ОВОЗИГА ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ УСУЛЛАРИ. ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР. ОВОЗЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ. ОВОЗ ТУРИНИ АНИҚЛАШ

Хонандани тарбиялаш жараёнида ўқитувчи турли усуллардан фойдаланади.

Биринчи ўринда вокал эшитишни тарбиялаш ва мукаммаллаштириб бориш, назорат билан барча вокал сифатларини ривожлантириш туради. Ўқувчида хонандалик жарангдорлигини тўғри ташкил этиш ҳақидаги тасаввурни ишлаб чиқиш зарур. Таълим доимо мусиқа материаллари: машқ, вокал ва бадий асарлар асосида олиб борилади. Тўғри танланган мусиқий манба товушни тарбиялайди. Машқ – бу билим олишнинг асосий воситаси. Уларни қўллаш ўқувчилар товушида учрайдиган ва тузатишни талаб этадиган камчиликларни йўқотиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Вокализлар – машқдан бадий асарларга ўтиш учун фойдали манба ҳисобланади.

Ўқитувчи томонидан катта одоб сақлаган ҳолда бадий педагогик манба тайёрлаш талаб этилади. Манбаларни мусиқий, вокал-техник ва ижро қийинчиликларини эътиборга олиб таҳлил этиш ўқитувчининг зарурий сифати ҳисобланади. Кенг кўламли мусиқий педагогик манбаларни эгаллаш ва уларни қўллай билиш – педагогик фаолият муваффақияти талабларидан бири. Асарнинг муваффақиятли ижроси учун ўрганиш ва ашула айтиш усулини эгаллаш катта аҳамият касб этади. Ўқувчи асарлар устида ишлаш услубини кенг кўламли ва турли-туман репертуарларни тезроқ ўзлаштириб олиши учун ўрганиши керак.

Товуш сифатини кўзланган натижада тарбиялашда овозни кўрсата билиш катта аҳамият касб этади. Кўрғазмали куруллар кўра оладиган

ва содда бўлгани учун ҳам керакли кўникмаларни шахсап топишга мажбур этади.

Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳам яхши овозга эга бўлиши лозим, ўқувчи эса – тақлид қобилиятига эга. Бирок тақлид куйлашни ўрганишда мажбурий ҳисобланмайди. Масалан, машхур италиян педагоги Ф.Ламперти хонанда бўлмаган, бирок буюк хонандалар плеядасини тарбиялаган.

Мушаклар ҳаракатини кўрсатиш ва тушунтириш ўқитувчи амалиётида улкан ўрин эгаллайди. Мушаклар ҳаракати усули доим муайян нарсаларни камраб олади, доим тўхтата олади ёки товуш аппаратидаги ишларнинг қайсидир қисмини ўзгартиради. Ўқувчи аввал нима қилишини тушуниб олади, кейин эса бу ҳаракатларни ашула айтиш пайтида тушунган ҳолда қўллашга ҳаракат қилади. Мушаклар ҳаракати усулининг қимматлиги ҳам мана шундадир.

Нутқ орқали тушунтириш, сўз аҳамияти – овоз тузилиши ҳақидаги ишончли тушунчани тарбиялашда ўта муҳим омил саналади. Ашула айтишни ўрганишда нутқ орқали тушунтириш жуда муҳим, негаки товуш аппарати ишида сабабли – кузатувли ўзаро ҳамкорликни тушунтиради ва унинг ишини бир мунча аниқ тушуниб етишга имкон беради. Товуш ва мускулларни ҳис этишни нутқий тушунтириш ҳар доим ҳам ўзини оклайвермайди, ўқитувчи кўпинча қийёслашга, образли ифодалашга ҳаракат қилади. Агар улар ўқувчиларга тушунарли бўлса қўлланилади ва керакли жавоб ҳаракатларини келтириб чиқаради.

Ўқувчилар билан дастлабки машғулотлар

Янги ўқувчилар билан танишишда унинг имконият ва қобилиятини (нимага кодирлигини) тушуниб олиш ўқитувчининг биринчи даражали вазифаларидан ҳисобланади. Ўқувчининг ашула айтиши учун унга маълум бўлган машқлардан бериш керак. Бошланишида бетарафлик ҳолатини ушлаш керак, негаки ўшанда ўқувчи овоз имкониятларининг сифатли жиҳатини кўрсата олади. Дарслар 20-25 дақиқадан ортмаслиги лозим. Имкони борича дарслар оралигида танаффусдан фойдаланиш керак. Машғулотларни ўрта диапазонда, четки ноталарни камраб олган ҳолда ўтказиш керак бўлади. Айнан шу хонандага мос оптимал товуш кучини топа билиш керак. Ўтказиладиган машқлар мураккаб бўлмаслиги лозим. Машқларнинг мусикий бажарилишини талаб этиш назарда тутилади.

Энг биринчи тадбирлардан бири ўқувчи билан биргаликда фонитар-врач кабулига ташриф буюриб, унинг товуш аппарати баҳоланади ва айни вақтдаги ҳолати аниқланади. Унинг баҳоси товуш турини аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин.

Овозлар классификацияси

Бугунги кунга келиб товушлар классификацияси атрофлича ўрганиб чиқилган. У аввал жуда оддий эди. Икки тур эркаklar ва икки тур аёллар овози фарқланиб – бу тасниф шу кунгача хорда сақланиб қолган.

Эркаklarнинг энг баланд овози тенор бўлиб, унинг диапозони кичик октава *до* нотасидан иккинчи октава *до* нотасигача ташкил топади.

Тенор – альтино – иккинчи октава *ми* нотасига етиб бориб, енгил ва аниқ жаранглайди.

Лирик тенор – илиқ, ёқимли товуш.

Лирико-драматик тенор – ҳам лирик, ҳам драматик парчаларни ижро этади, бироқ товуш кучи жихатидан драматик тенордан кейинда туради.

Драматик тенор – товуш кучли бўлиб, энг трагик ҳолатни ифода этишга лойиқ.

Характерли тенор – ўзига хос тембрга эга товуш.

Баритон катта октаванинг *ля* нотасидан биринчи октава *ля* нотасигача бўлган диапазонни қамраб олади.

Лирик баритон – енгил жаранглайди, тенор жарангдорлигига яқин, аммо баритонли тембрга эга.

Лирико-драматик баритон – ёрқин тембр ва сезиларли кучга эга.

Драматик баритон – товушда бир мунча қайғули жарангдорлик, диапазонинг марказий ва устки қисмида катта кучга эга.

Бас – эркаklarнинг энг паст овози катта октава *фа* нотасидан биринчи октава *фа* нотасигача бўлган диапазонни қамраб олади.

Юқори бас ёки бас – кантанте товушнинг баритонли тембрини эслатувчи ёрқин диапазонга эга.

Марказий бас бир мунча кенг имкониятларга эга бўлиб, диапозони ва тембри бас характерини ёрқин ифодалайди.

Паст бас асосан қуюқ бас колоритига, диапазоннинг бир мунча қиска юқори қисмига эга булиб, чуқур, баққуват паст товушларни ифодалайди.

Бас-октавистлар ёки бас-profondo хорда куйланиб, контроктавали қатор товушларни қамраб олиши мумкин. Товушлари контроктава *фа* нотасига тушиб кетган ҳоллари ҳам кузатилган.

Аёллар овози уч турдан иборат: сопрано, меццо-сопрано ва контральто.

Баланд тембрли аёллар товуши – **сопрано**, биринчи октава *до* нотасидан учинчи октава *до* нотасигача диапазонни қамраб олади.

Колоратурали сопрано энгил, тиник жарангдорликка ҳамда ҳаракатчанлик қобилятига эга бўлиб, юқорида учинчи октава *фа* нотасигача, баъзан *ля* нотасигача етиб бориш имконияти мавжуд.

Лирико-колоратурали сопрано – бир мунча қуюқ, жарангдорлиги кенг, ҳаракатчап товуш бўлиб, ҳам лирик, ҳам колоратурали парчаларни ижро эта олади.

Лирик сопрано – ҳаракатчанлиги бир мунча баққуват ва кенг товушга эга бўлиб, тембр бўйича ёрқин, кумушранг, иликликка эга. Юқоригисида иккинчи октаванинг *до* нотасигача етиб боради.

Лирико-драматик сопрано – кенг лирик товушга, бир мунча тўйинган кўкрак тембрига эга.

Драматик сопрано меццони эслатувчи, паст ноталарда катта кучдаги жарангдорлиги билан фарқланади.

Меццо-сопранонинг диапазони кичик октава *ля* нотасидан то иккинчи октава *ля* нотасигача, баъзида то учинчи октава *до* нотасигача борадиган тўқ тембрли аёллар кўкрак овози. Шунингдек, бу гуруҳда ҳам бир-биридан қуюқ жарангдорлиги билан фарқланувчи юқори меццо-сопрано ва марказий меццо-сопранолар мавжуд.

Контральто барча диапазонда тўйинган кўкрак тембрига эга энг паст ва кам учрайдиган овоз.

Ушбу классификацияга табиатда мавжуд барча овоз турларини киритиш қийин. Баъзи овозлар ноаниқ, оралиқ тембр билан характерланади. Бундай овозлар кўпроқ ўқитишнинг бошланғич вақтида учрайдилар ва кейинчалик у ёки бу овоз тури томонига ривожланиб кетадилар.

Профессional ижрочилар орасида овознинг бир туридан бошқа турига ўтиб туриши ҳам кузатилади. Баъзи хонандалар турли овозлар учун ёзилган барча партияларни ижро этиш қобилятига эга. Масалан, Мария Каллас ҳам драматик, ҳам колоратурали партияларни айта олган. Бундай овозлар «абсолют овозлар» деб номланади.

Овоз турини аниқлаш

Товушни тўғри шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг шартларидан бири унинг турига тўғри ташхис қўя билиш ҳисобланади.

Куйидаги белгилар орқали овоз турларини аниқлаш таклиф этилади: ўтувчи ноталар ва примар пардаларда тембри, қандай диапазонга эга бўлишини, тесситура тута билиш қобилиятини, шунингдек товуш бойламлари узунлигини ва ортга қайтувчи нервнинг хронаксияси.

Тембр ва диапазон асосида хонанда қайси тур овоз эгаси эканлигини аниқ айтиб бериш мумкин эмас. Ўз турига мансуб бўлмаган кенг диапазонли товушлар ҳам учрайди ёки унинг акси ўлароқ диапазоннинг юқори ё пастки қисми қисқариши кузатилади. Яна шундай ҳам бўладикки, тембр бир тур овозга тўғри келса, диапазони эса унга жавоб бера олмайди.

Овоз турини аниқлашда ўтиш ноталари тахлилидан чиқиш мумкин бўлади. Маълумки, турли овозлар турли баландликда ўтиш ноталарга эга. Ҳар бир овоз турининг ўтиш ноталари турли баландликда жойлашади.:

Тенор: биринчи октаванинг *ми-фа-фа* диез.

Баритон: биринчи октаванинг *ре-ми бемоль-ми*.

Бас: кичик октаванинг *ля-си бемоль-си* биринчи октаванинг *до-до* диез.

Сопрано: биринчи октаванинг *ми-фа-фа* диез.

Меццо-сопрано: *до-ре-ре* диез.

Аёллар овозида ўтиш ноталар диапазоннинг паст қисмида, эркакларники эса диапазоннинг юқори қисмида жойлашган. Шуни эслатиш лозимки аёл овозларининг юқори қисмида ҳам ўтиш ноталар бор, аммо улар унчалик сезиларли эмас.

Товуш турини ажратишда асосан эркин, табиий ва чиройли жарангдорликка эга примар товушлар ёрдам бериши мумкин. Кўпинча улар товуш диапазонининг ўрта қисмида мавжуд бўлади: тенорда – биринчи октавадаги *до*, сопранода – иккинчи октавадаги *до*, баритонда – кичик октавадаги *ля*, меццо-сопранода – биринчи октавадаги *ля*, басда – кичик октавадаги *фа* нотаси.

Мазкур тур товушга хосликни тесситура ушлаб туриш жуда муҳимдир. Тесситура тушунчаси ижро этилаётган асардаги товушнинг бир маромда тутиб турган диапазон қисмидагина акс

этади. Агар товуш характер жиҳатидан тенорга яқин бўлса, лекин тенорга хос тесситураани ушлаб турмаса, эҳтимол у товуш баритон бўлиши мумкин.

Овоз турларини аниқлашга ёрдам берувчи белгилар орасида анатомик-физиологик усуллар ҳам бор. Турли турдаги овозларга турли узунликдаги товуш бойламлари мувофиқлиги олдиндан маълум. Овоз қанча баланд бўлса, товуш бойламлари шунча қисқа ва нозик бўлади. Бундан ташқари ҳар турдаги овознинг қайтиб борувчи маълум нерв хронаксиясига эгалик қилади. Юссон мана шу тур буйича аёллар товушини 19, эркекларники эса 17 гуруҳга бўлади. Шундай қилиб овоз турини белгилар мажмуи орқалигина аниқлаш мумкин.

10-БОБ. ОВОЗДАГИ НУҚСОНЛАР ВА УЛАРНИ ЕНГИШ ЙЎЛЛАРИ. ОВОЗ ГИГИЕНАСИ ВА ХОНАНДА ТАРТИБИ

Кўплаб хонандалар овоз тембрида табиатан ёки аввалги ўқиш натижасида йўл қўйган камчиликларга эга. Бир мунча тез учраб турадиган табиий тембрдан қочиш ҳолатига тўхталиб ўтамиз. Бу энг аввало вибрато бузилиши билан боғлиқ камчиликлар бўлиб, у тремоляция, овознинг ўйнаб кетиши ва текис (шуттак) овоздир.

Термоляцияда вибрато жуда тез ва унинг амплитудаси кичкина. Аввало, бу ҳиқилдок ишидаги ортиқча зориқишлар билан боғлиқ. Бу зориқишларни енгил жараяни узок муддатли ва ҳамма вақт ҳам керакли самара бермайди, шунингдек вибрато частотасидаги нурларни бартараф этиш, унинг чуқурлигидаги нуқсонларига нисбатан бир мунча қийин кечади.

Жуда камёб ва чуқур вибрато овознинг «чайқалиши», ўйнаб кетиши билан ажралиб туради. Одатда у хонандаларнинг мускул зориқиши оқибатида ўзларининг табиий тонусини йўқотишига, кексайиб бораётганларда асаб-мускул тизимидаги умумий тонус пасайиши оқибатида олиб келади. Овоз чайқалишининг жадаллашишида – бу йўлдош ҳолат ҳисобланиб, унинг сабаби жадаллашишга яширинган бўлади. Худди мана шу ҳолатга ўқувчи диққатини тортиш керак.

Шуттак сифатли, текис овозда вибрато мавжуд эмас. Унинг сабаби битта – ҳиқилдокнинг зўриқиши, сиқиклиги. Ўқувчи диққатини табиий жарангдорликни излашга қаратиш керак. Аммо

вибрато ишлаб чиқаришга қийинчилик туғдирувчи қаттиқ овозлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда умуман равонлик устида ва қисман овознинг титраб чиқиши устида ишлаш лозим.

Зўриқиб куйлаш – бу шунчаки қаттиқ айтиш эмас, балки товуш аппаратининг ортиқча фаоллик билан ишлатишдир. Жадал куйлаш натижасида аста-секин тембр ўчирилиб, вибрато бузилиб, товуш қаттиқ тебрана бошлайди. Уни тузатиш жуда қийин кечади. Жадаллашган жарангдорлик зарарини аниқ тушуниб етгандагина бирор бир натижага эришиш мумкин. Куч ва қаттиқ куйлаш бир хил тушунча эмаслигини тушуниб етмоқ зарур. Зўриқтирилган товуш хонанда томонидан катта куч сарфланганига қарамай тембрни йўқота бориб, сезиларли даражада кам парвозли бўлади. Репертуарни ўзгартириш энг яхши восита ҳисобланиб, бу хонанданинг бир мунча тинч ёки эластиклик ва нафисликни талаб этувчи тез асарларни ижро этишга ўтиши билан боғлиқдир. Ҳис-туйғуни кўзгатувчи, қаттиқ (бақириб) айтишга ундовчи асарларни тавсия этиш таклиф этилмайди. Жадалликка қарши курашишнинг энг яхши воситаси – равонлик устида ишлаш. У эшитиш аппаратини ортиқча кескинликдан ҳалос этади.

Бурун товушни ашула айтиш пайтида юмшоқ танглайнинг тушиши ва товушнинг бурун-ҳалқум билан эркин муносабатда бўлишига боғлиқ.

Бундай ҳолларда ўқувчи диққат-этиборини юмшоқ танглайни кўтартилишга қаратмоғи лозим.

Томоқ, сиқик товуш миллий кадрлар учун жуда характерли, негаки ундан анъанавий ижро услубида куйлашда фойдаланилади. Сиқик товушга ҳиқилдоқнинг нотўғри ишлаши сабаб бўлади, унда товуш бойламларининг жипслашиши жуда кучли ва қаттиқ. Бу билан курашишнинг энг яхши воситаси олдин нафас хужуми ҳисобланади, бироқ уни суистеъмом қилиш керак эмас, акс ҳолда у товушнинг соф интонациясини бузиб қўйиши мумкин.

Овоздаги бўғиқлик энг аввало овоз бойламларининг носоғлом ҳолати билан боғлиқ. Бироқ товушдаги бўғиқлик овоз аппарати ишининг мувофиқлаштирилмагандан, ҳиқилдоқ мускулларининг суст ишлашидан ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда нафас олишни тўхтатиб туриш, жарапгли ва портловчи ундошларнинг қаттиқ хужумидан фойдаланиш яхши самара беради.

Одатда сохта интонация овоз аппарати иши ва нафас олишнинг мувофиқлаштирилмагандан келиб чиқади. Ёш хонандаларда

интонациянинг бузилиши кўпинча, нафас олишга тўғри ёндоша олмагани оқибатида юзага келади. Кексая бошлаган хонандаларда интонациянинг пасайиши мускуллар умумий ҳолатининг пасайиши билан боғлиқ.

Куйлашда рўй берадиган кўпгина камчилик нутқдаги нуқсонлар билан боғлиқ. Бундай ҳолларда логопедда даволаниш лозим, негаки нотўғри талаффуз этиш хонандага бадиий асарларни юқори даражада ижро этиш имконини бермайди.

Овоз гигиенаси ва хонанда тартиби

Хонандалик фаолияти барча меҳнат каби ишлаш ва ҳордик чиқаришда ўзининг меъёрига амал қилишини, уларни вақт бўйича тўғри тақсимлашни талаб этади. Хонанда – бу энг аввало соғлом, руҳияти тетик, асаблари баққуват, мускул фаолияти яхши ва ички аъзолари соғлом инсон. Ишга лаёқатлилигини тиклаш учун 7-8 соатлик уйқу зарур. Тўғри овқатланиш жуда муҳим. Хонанда сўлак пардаларини китикловчи ўткир таомлардан қочиши, шунингдек ўта иссиқ ёки ўта совуқ ичимликлар истеъмолидан ўзини тутта билиши керак. Тунда тўйиб овқатланмаслиги муҳимдир. Ҳар қандай артист у ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериши лозим, негаки у сахна кўринишини ўзида мужассамлаштириши керак. Организмни чиниктириш катта аҳамият касб этиб, хонанда доимо соғлом, сахнага чиқишга тайёр бўлиши шарт. Шамоллаш каби тез учрайдиган касалликлар хонанданинг иш меъёрини узоқ муддатга бузиб юборади.

Ашула айтишпи ўрганаётганлар, ўзини санъатга бахшида этгаплар спиртли ичимликлар истеъмоли ва чекишдан сақланиши шарт.

Хонанда ҳар куни ашула айтишга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун у маълум гигиеник қоидаларга риоя қилиши лозим. Товуш аппаратини толиқишдан асрай билиши, кўп гапирмаслик, ортиқча куйламаслик, юқори поталарни суистеъмол қилмаслик керак. Ҳеч қачон тайёргарлик кўрмай туриб ашула айтиш керак эмас. Машғулотларни шундай тақсимлаш лозимки, тўхтамасдан ашула айтиш бир соатдан ортмаслиги шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Аспелунд Д.* Развитие певца и его голоса. –Л., 1952.
2. *Багадуров В.* Очерки по истории вокальной методологии. Вып.1. – М., 1929, Вып.2. –М., 1932, Вып.3. –М., 1937.
3. *Брызгалов И.* Школа пения для баритона и баса. –Т., 1987.
4. Вокальный словарь. Сост.: Кочнева И., Яковлева А., –Л., 1988.
5. Вопросы вокальной педагогики. Вып. 1-7. –М., 1962-1988.
6. *Голубев П.* Советы молодым педагогам-вокалистам. –М., 1958.
7. *Глинка М.* Упражнения для совершенствования голоса, методические к ним пояснения и вокализы-сольфеджио. –М., 1951.
8. *Дмитриев Л.* Основы вокальной методики. –М., 2000.
9. *Дмитриев Л.* Голосообразование у певцов. –М., 1962.
10. *Донец-Тессейр М.* Опыт воспитания сопрано. –К., 1957.
11. *Дейша-Сионицкая М.* Пение в ощущениях. –М., 1926.
12. *Дюпре Ж.* Школа пения. –М., 1955.
13. *Егоров А.* Гигиена голоса и его физиологические основы. –М., 1962.
14. *Емельянов В.* Развитие голоса. Координация и тренинг. –Л., 2001.
15. *Заседателев Ф.* Болезни певцов и их лечение. –М., 1908.
16. *Зданович А.* Некоторые вопросы вокальной методики. –М., 1965.
17. *Кабулова Н.* К вопросу дыхания в пении. –Т., 1998.
18. *Ламперти Ф.* Искусство пения. –М., 1923.
19. *Лебедева И. О.Н.*Благовидова-педагог. –М., 1984.
20. *Лукашин В.* Обучение и воспитание молодого певца. –Л., 1977.
21. *Морозов В.* Тайны вокальной речи. –М., 1967.
22. *Морозов В.* Вокальный слух и голос. –М., 1965.
23. *Назаренко И.* Искусство пения. –М., 1968.
24. *Пряишников И.* Советы обучающимся пению. –М., 1958.
25. *Работнов Л.* Основы физиологии и патологии певца. –М., 1932.
26. *Ризаева М.* Упражнения для голоса. –Т., 1992.
27. *Ризаева М.* Ёш хонанданинг камолоти. –Т., 2003.
28. *Садовников Б.* Орфоэпия в пении. –М., 1958.
29. *Тронина П.* Из опыта педагога-вокалиста. –М., 1976.
30. *Юдин С.* Формирование голоса певца. –М., 1962.
31. *Юссон Р.* Певческий голос. –М., 1974.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-БОБ. Вокал мусика педагогикасининг асосий принцип ва услублари	4
2-БОБ. Олий нерв фаолиятининг асосий қонуниятлари. Вокал-техник кўйикмаларни тарбиялаш ва уларнинг рефлекторлик моҳияти	6
3-БОБ. Психологик жараёнлар ва шахс хусусиятлари. Хонандалик сезгиларининг ўзига хос хусусиятлари	12
4-БОБ. Товушнинг акустик тузилиши. Хонандалик форманталари. Яхши эшитиш доираси	18
5-БОБ. Овоз ҳосил қилнш органларининг тузилиши	28
6-БОБ. Нафас, ҳиқилдоқ ва талаффуз органлари гапириш ва куйлаш пайтида. Овоз ташкил этиш назариялари	25
7-БОБ. Куйлаш малакалари шаклланишининг асосий йўллари. Регистр тушунчаси. Овоз аппаратининг резонаторлари ..	42
8-БОБ. Товуш ҳужуми(атакаси). Товуш таянчи тушунчаси	47
9-БОБ. Ўқувчининг овозига ўқитувчининг таъсир этиш усуллари. Ўқувчилар билан дастлабки машгулотлар. Овозлар классификацияси. Овоз турини аниқлаш	51
10-БОБ. Овоздаги нуқсонлар ва уларни енгиш йўллари. Овоз гигиенаси ва хонанда тартиби	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59

СОДЕРЖАНИЕ

Вступление	3
1-ГЛАВА. Основные принципы и методы вокальной педагогики	4
2-ГЛАВА. Основные закономерности высшей нервной деятельности. Воспитание вокально-технических навыков и их рефлекторная сущность	6
3-ГЛАВА. Психологические процессы и свойства личности. Специфика певческих ощущений	12
4-ГЛАВА. Акустическое строение голоса. Певческие форманты. Зона лучшей слышимости	18
5-ГЛАВА. Устройство органов голосообразования	28
6-ГЛАВА. Дыхание, гортань и артикуляционный аппарат в речи и в пении. Теории голосообразования	25
7-ГЛАВА. Пути формирования основных певческих навыков. Понятие регистра. Резонаторы голосового аппарата .	42
8-ГЛАВА. Атака звука. Понятие опоры звука. Развитие различных видов вокализации	47
9-ГЛАВА. Способы педагогического воздействия на голос ученика. Первые уроки с учеником. Классификация голосов. Определение типа голоса	51
10-ГЛАВА. Дефекты голоса и пути их преодоления. Гигиена голоса и режим певца	56
Список использованной литературы	59

CONTENTS

Introduction	3
1-CHAPTER. The basic principles and methods of the vocal pedagogy	4
2-CHAPTER. The basic regularities of higher nervous activity. Training of the vocal-technical skills and their reflex main point	6
3-CHAPTER. Psychological processes and virtues of the personality. Specificity of the singing sensation	12
4-CHAPTER. Acoustic structure of the voice. Singing sizes. Zone of the best audibility	18
5-CHAPTER. Structure of the organs of voice formation	28
6-CHAPTER. The breathing, larynx and articulate apparatus in enunciation and singing. Theory of voice formation	25
7-CHAPTER. The ways of forming the basic vocal skills. Notion concept of register. Resonators of the voice apparatus	42
8-CHAPTER. Attack of sound. Fulcrum of sound. Development of different kinds of vocalization	47
9-CHAPTER. Ways of pedagogical influence on pupil's voice. The first lessons with a pupil. Classification of voice. Determination of the voice type	51
10-CHAPTER. Defects of the voice and ways of overcoming. Hygiene of voice and singer's regime	56
List of using literature	59

МУХАМЕДОВА Галина Иминовна

**ХОНАНДАЛИК УСЛУБИЯТИ
АСОСЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма

Ўзбек тилида

Мухаррир *С.Раҳмонова*
Техник муҳаррир *Н.Имомов*
Мусахҳиҳ *О.Игамбердиев*
Оригинал макетни *А.Рўзиқулов* тайёрлаган

АБ №19

Босишга 20.12.2007 йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{16}$.

Шартли б.т. 4,6. Нашр б.т. 4,0. Адади 250 нусха.
Буюртма № 16-2007. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет Ўзбекистон давлат консерваториясининг
Таҳрир-нашриёт бўлимида тайёрланди ва чоп этилди.
700027. Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

